БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши № 24 (11.470). | 29 январь, жума, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

Зиммага олган мажбуриятни сўзсиз бажарамиз!

ТАОМ ЛАЗЗАТИ, ДАСТУРХОН БЕЗАГИ

Республикада бу йил 610.000 тонна сабзавот, 360.000 тонна картошка, 600.000 тонна полиз маҳсулоти, 315.000 тонна мева, узум етиштирамиз!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАЛАРИ ТАШКИЛ КИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қилдилар:**

Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро область партия комитетлари ҳамда область ижроия комитетларининг, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Тошкент, Қорасув, Фарғона, Ғаллаорол ва Бухоро паррандачилик-инкубатория станцияларини паррандачилик фабрикалари қилиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин. Ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш учун паррандачилик фабрикаларига тегишли ер ва ёрдамчи хўжаликлар биркитиб қўйилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро область партия комитетлари, область ижроия комитетлари ва паррандачилик фабрикаларининг директорлари зиммасига қуйидагилар юклансин:

а) 1963 йилда паррандачилик фабрикаларида макиёнлар сони: Тошкент паррандачилик фабрикасида 50 минг, Қорасув паррандачилик фабрикасида 80 минг, Фарғона паррандачилик фабрикасида 25 минг, Ғаллаорол паррандачилик фабрикасида 50 минг ва Бухоро паррандачилик фабрикасида 50 мингга етказилсин;

б) 1963 йилда Тошкент паррандачилик фабрикасида 2300 центнер, 1960 йилда эса 220 центнер; Қорасув паррандачилик фабрикасида 1963 йилда 3500 центнер, 1960 йилда эса 220 центнер; Фарғона паррандачилик фабрикасида 1963 йилда 1250 центнер, 1960 йилда эса 180 центнер; Ғаллаорол паррандачилик фабрикасида 1963 йилда 2300 центнергача; 1960 йилда эса 250 центнер; Бухоро паррандачилик фабрикасида 1963 йилда 2200 центнергача; 1960 йилда эса 220 центнер парранда гўшти етиштирилиши таъминлансин;

в) Тошкент паррандачилик фабрикасида 1963 йилда 6 миллион дона; Қорасув паррандачилик фабрикасида 1963 йилда 9,6 миллион дона, 1960 йилда эса 800 минг дона; Фарғона паррандачилик фабрикасида 1963 йилда 3 миллион дона; Ғаллаорол паррандачилик фабрикасида 1963 йилда 6 миллион дона, 1960 йилда эса 100 минг дона; Бухоро паррандачилик фабрикасида 1963 йилда 6 миллион дона, 1960 йилда эса 200 минг донагача тухум етиштирилсин;

г) Илғари паррандачилик-инкубатория станцияларида колхоз, совхозларга ва аҳолига қанча жўжа тарқатилган бўлса, паррандачилик фабрикаларида ҳам шунча наслли жўжа очириб тарқатилсин;

д) Тошкент паррандачилик фабрикаси 3,7 миллион сўмлик ҳажмида, Қорасув паррандачилик фабрикаси 9 миллион сўмлик ҳажмида, Фарғона паррандачилик фабрикаси 6,9 миллион сўмлик ҳажмида, Ғаллаорол паррандачилик фабрикаси 6,8 миллион сўмлик ҳажмида ва Бухоро паррандачилик фабрикаси 8,4 миллион сўмлик ҳажмида қурилсин ва бу паррандачилик фабрикаларини қуриш 1963 йилда тамомлансин.

Ўзбекистон ССР Госпланига ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига йиллик планларда паррандачилик фабрикалари қурилиши учун зарур миқдорда капитал маблағ ажратишни кўзда тутиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Госпланига 1960 йилнинг 4 ойи мобайнида капитал ишлар планининг бажарилиш якунларига қараб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига биринчи навбатда паррандачилик фабрикалари қурилиши учун капитал маблағлар ва қурилиш материаллари ажратиш тўғрисида, шунингдек бу қурилишларнинг планларини 1960 йилда Ўзглавсельстройнинг пудрат ишлар планига киритиш топширилсин.

Ўзглавсельстройнинг Гипросельстройига биринчи навбатда қуриладиган паррандачилик фабрикаларининг типовой қурилишлари лойиҳасини участкаларга мослаштириши 1960 йил 20 майгача тамомлаш ва 1960 йилнинг 1 октябригача мазкур паррандачилик фабрикалари қурилишларининг генерал планларини тузишнинг лойиҳа топшириқларини ишлаб чиқиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига 1960 йилнинг 10 февралигача Ўзгипросельстройга паррандачилик фабрикалари қурилишларининг генерал планларини тузиш учун топшириқ берилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва Ўзбекистон ССР Молия Министрлигига Тошкент, Бухоро, Фарғона ва Самарқанд областларида ташкил қилинадиган паррандачилик фабрикаларининг ҳисобларини қараб чиқиш ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг 1960 йилда тасдиқланган молия планига киритиладиган ўзгаришлар тўғрисида ўз таклифларини икки ҳафта муддат ичида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

МЎЛ БЎЛАДИ

Соиб Муҳсинов далага кетаётганда кеча мажлисда бўлиб ўтган гаплар яна ёдига тушди. «Раис тўғри гапирди, кишининг кўзини очиб, қилинадиган ишларни кўрсатиб қўйди-я», деб ўйлади у. Партия ташкилотининг очиқ мажлисида колхоз раиси Турғун Мирзаев унинг бригадасини мисол қилиб келтирди.

Муҳсинов бригадаси 37 гектар ернинг ҳар гектаридан ўтган йили 23 тоннадан картошка олди. Бунинг учун Муҳсинов бригадасини мақтадик. Аслида бу жуда оз. Шу бригаданинг Иброҳим Тўлаганов бошлиқ звеноси гектаридан 28 тонналан картошка олди. Бригада бўйича 28 тоннадан олинганда эди, колхозимиз 185 тонна қўшимча картошка етиштирган бўларди. Бу фақат битта илғор бригададаги резервимиз...»

Муҳсинов ана шундай ўйлар билан колхоз фермаси олдига қандай етиб келганини билмай қолди, Ферма дарвозасидан гўнг тўлгазилган аравалар бирин-кетин чиқиб борарди.

—Келинг Соиб ака,—деди унга Наби Саидов.

—Далага кетаётган эдим, сенга учраб кетай дедим.

—Зовурларни тозалаб бўлдиларингизми?

—Оз қолди. 10 февралгача зовурларни ҳам, ариқларни ҳам тозалаб бўламиз. Буёғидан хотиржам бўлавер. Сен айтчи, нима учун араваларни бошқа бригадага юборяпсан?

—Сизнинг ерларингизга гектарига 10 тоннадан чиқариб қўйибмиз-у, яна гўнг дейсиз-а.

—Яна 5 тоннадан чиқармасак бўлмайди. Кечаги гапларни эшитдинг-ку.

Колхозда комсомол ва ёшлардан махсус маҳаллий ўғит тайёрлаш бригадаси ташкил қилинган. Унга комсомол ташкилотининг секретари Наби Саидов бошчилик қилади. Бу бригада колхознинг экин майдонларига 6 минг тоннага яқин маҳаллий ўғит чиқарди. Парник хўжалиги учун эса 1100 тонна чиринди ҳозирлади. Иш қизғин давом этмоқда. 20та арава, 1та автомашина далага гўнг ташиб, пайкаллар четидаги гўнгхоналарга тўкмоқда.

Колхоз аъзолари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикада сабзавот-полиз экинлари ҳамда картошка етиштиришни кўпайтиришга қарата чиқарган қарорига жавобан ўз зиммаларига конкрет мажбурият олдилар. Колхоз бу йил пландаги 13 минг тонна ўрнига 15 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун курашмоқда. Етиштириладиган сабзавот экинлари ва картошканинг таннархини анча камайтириш кўзда тутилган.

Ҳозир баҳорги экин экишга тайёргарлик кучайтириб юборилди. Парник хўжалиги тартибга келтирилмоқда. Бу ерда 2200та парник рами тайёрланди. Чуқурлар тозаланиб, чиринди билан тўлғазилмоқда. Парниклар устини ёпиш учун зарур материаллар ҳам ҳозирланмоқда.

Колхоз теплицасида эса иш бир кун ҳам тўхтамайди. Ҳозир эртаги карам кўчатлари тайёрланмоқда. 6 минг тупга яқин карам кўчати етиштирилиб, рассада қилинди, 6 килограмм помидор уруғи экиб қўйилди.

Калинин район Сталин қишлоқ Советидаги Сталин номли колхоз барча имкониятлар ва резервларни ишга солиб, ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ картошка, сабзавот, полиз ва резавор етиштириб, Тошкент шаҳри аҳолисини арзон сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун курашмоқда.

БОҒБОНЛАР АҲДИ

Фарғона область, Тўрақўрғон районидаги 2-узумчилик совхози боғбонлари ўтган йили 284 гектар токзордан 1100 тонна узум топшириб, планни муваффақиятли бажардилар, ҳар центнер узумнинг таннархи 1958 йилдагига нисбатан 6 процент камайди.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларидан илҳомланган совхоз боғбонлари республика партия ва ҳукуматининг сабзавот, полиз маҳсулоти ва картошка етиштиришни кўпайтиришга қарата чиқарган қарорига жавобан бу йил 2117 тонна узум етиштириш, етти йиллик планни муддатидан бир йил олдин бажариш учун курашмоқдалар.

Токларни ўғитлаш учун 1100 тонна гўнг, 750 тонна тупроқ ташиб келтирилди, токзорга 300 тонна гўнг солинди. Ариқлар қазилиб, токзорлар суғорилмоқда.

Совхоз боғбонлари етти йилликнинг иккинчи йилида яна 80 гектар янги узумзор барпо қилиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

ЯНГИ БОҒЛАР

Чуст районидаги «Шоёнбаймоқ» совхози ташкил қилинганига икки йил бўлди. Шу вақт ичида янгидан 137 гектар мевали боғ, 70 гектар узумзор барпо қилинди.

Совхоз коллективи бу йил 200 гектар янги токзор ва 150 гектар мевазор боғ барпо қилишни кўзда тутмоқда. Бунинг учун 30 мингта ток қаламчаси ва 90 минг туп мевали дарахт кўчати тайёрлаб қўйилди.

Етти йилликнинг сўнгги йилига бориб совхозда мевали боғлар 1754 гектарга, токзорлар 1123 гектарга етади.

«Ленинград» колхозининг механизаторлари меҳнат вахтасида туриб ишлаб, барча техникани қисқа вақт ичида ремонтдан чиқариш учун курашмоқдалар. Ҳар куни топшириқни икки бараварга етказиб бажараётган механизаторлар Т. Боймирзаев, С. Содиқов, Н. Шоимовларнинг шуҳрати бутун Гулистон районига тарқалди.

СУРАТДА: механизатор Содиқ СУЛТОНОВ сеялкани ремонт қилмоқда.

С. Бансин фотоси:

ЎЗБЕКИСТОН КОНСЕРВА САНОАТИНИНГ ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАРИ

Етти йилликнинг охирига бориб, узум, мева ва сабзавот консервалари ишлаб чиқариш 1960 йилдагига нисбатан 130 миллион банкага ортади.

Республика Госпланида ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни айтдилар:

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Картошка, маккажўхори, сабзавот, мева ва узумдан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилаш ва шу маҳсулотлар билан савдо қилишни кенгайтириш чоралари тўғрисида»ги қарори муносабати билан Ўзбекистонда етти йиллик даврида консерва саноатини ривожлантириш планлари оширилиб қайта кўриб чиқилди.

Қибрай қишлоғида катта консерва заводи қурилиши икки йилга тезлаштирилади. Бу қишлоқ атрофида Тошкент областининг жуда катта мева боғлари ва токзорлари бор.

Наманганда қурила бошланган бошқа янги завод ҳар йили узум, мева ва сабзавотлардан 16 миллион банка консерва ишлаб чиқаради.

Республика матлубот кооперацияси узум, мева ва сабзавотлардан жуда кўп консервалар ишлаб чиқаралиган бўлади. Етти йилликнинг охирига бориб, «Ўзбекбирлашув» корхоналарининг рўйхатида ҳар йили 25 миллион банкадан ортиқ консерва ишлаб чиқара оладиган бешта мева-сабзавот комбинатлари қўшилади. Бу комбинатлардан дастлабки иккитаси—Самарқанд ва Қўқон комбинатлари шу йилнинг ўзида ишга туширилади. (ЎзТАГ).

ШЎР ЮВ, ЯХОБ БЕР, ГЎНГ ЧИҚАР!

(25 январга процент ҳисобида)

Областлар	Шўр ювиш	Яхоб бериш	Гўнг чиқариш
Тошкент	59,5	30,8	21,2
Фарғона	21,6	48,2	43,0
Андижон	29,7	37,2	29,1
Самарқанд	3,0*	16,7	25,1
Бухоро	39,8	—	46,8
Сурхондарё	65,0	58,8	45,0
Хоразм	—	—	47,5
Қорақалпоғистон АССР	—	—	24,7

*) маълумот аниқланган.

ҚОЗОҒИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ Н. С. ХРУШЧЕВГА ЮБОРГАН ХАТИ

Қозоғистон республика партия активи йиғилишининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевга хат юбордилар. Хатда айтиладики, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг Қозоғистонга бераётган доимий ва ғоят катта ёрдами туфайли Қозоғистон Совет давлатининг энг муҳим ғалла базасига айланди.

Кейинги йилларда колхоз ва совхозларда чорва моллар сони ҳам кўпайди, чорвачилик маҳсулдорлиги ўсди. Шу билан бирга йиғилиш қатнашчилари республикада катта камчиликлар борлигини ҳам қайд қиладилар. Ғоят катта резервлар ва имкониятлардан, шу жумладан, қўриқ ерлардаги битмас-туганмас бойликлардан тўла фойдаланилмаётир.

Қозоғистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини муҳокама қилиш билан бирга, бу йил дон экинлари майдонини 23,5 миллион гектаргача кенгайтириши, камида 1.500 миллион пуд ғалла, 200 минг тонна мойли экинлар уруғи йиғиб олишни мўлжалламоқдалар. Давлатга камида 800 миллион пуд ғалла, 210 минг тонна пахта, 1.600 минг тонна қанд лавлаги сотиладилар.

1960 йилда давлатга камида 700 минг тонна гўшт, камида 1 миллион тонна сут сотиладилар. Жун, тухум, ва қоракўл тери етиштириш ҳамда тайёрлаш анча кўпайтирилади. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан етти йилликнинг охирига мўлжалланган даражага 1963 йилда эришилади.

Биз, дейилади хатда, кенг фронт бўйлаб янги муваффақиятлар ва ғалабалар сари бориш учун қолоқ хўжаликларни ва районларни илғорлар даражасига кўтаришни энг яқин вақтда бажаришимиз лозим бўлган вазифаларимиздан бири деб ҳисоблаймиз.

Биз барча меҳнаткашларни давлат планларининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши учун қаттиқ жавобгарлик сезиш руҳида тарбиялаймиз. Мажбурият олган экансан, уни албатта адо эт, деган шиор амалий ишимиздаги энг муҳим шиоримиздир. (ТАСС).

ВЦСПС III ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

21 — 22 январда Москвада ВЦСПСнинг учинчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум «Касаба союз ташкилотларининг совхозлардаги ва бошқа қишлоқ хўжалик давлат корхоналари ва муассасаларидаги ишчи ва хизматчиларни қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун курашга сафарбар қилиш соҳасидаги иши тўғрисида ҳамда касаба союзларининг КПСС Марказий Комитети декабрь (1959 йилги) Пленуми қарорларини бажаришдаги вазифалари ҳақида» қарор қабул қилди.

ВЦСПС III пленуми ишчи ва хизматчиларнинг ижодий ташаббусини КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун, дон етиштиришни йилига 10—11 миллиард пудгача ва гўшт етиштиришни 20—21 миллион тоннагача кўпайтириш учун, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун курашга сафарбар қилишни касаба союзларининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди.

Касаба союз ташкилотлари, дейилади қарорда, барча ишчиларни ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини социалистик мусобақага жалб этишлари, мусобақа натижаларини мунтазам суратда якунлаб туришлари, илғорлар тажрибасини ёйиш ишларини кучайтиришлари лозим. Барча совхоз ва РТСларда илмий-техника жамиятининг ҳамда ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг бошланғич ташкилотларини тузиш таклиф этилди. Ишчиларнинг қишлоқ хўжалик ихтисосларини эгаллашлари учун зарур шароит яратилишини таъминлаш, тежаш ишларига жамоат кўрикларини ўтказиш, ишчи ва хизматчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга, корхоналарнинг ишлаб чиқариш-молия планларини ишлаб чиқишга кўпроқ жалб этиш таклиф қилинди.

ВЦСПС III пленуми колхоз ва совхозларга оталик ёрдами бериш йўлида кун сайин иш олиб бориш учун корхона ва муассасалардаги касаба союз фабрика-завод комитетлари ҳузурида оталик комиссиялари ташкил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Касаба союз Марказий Комитетига СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақидаги низомларнинг ҳамда иш ҳақини тартибга солиш учун зарур бўлган инструктив материалларнинг тайёрланишини тезлаштириш таклиф қилинди.

Пленум касаба союз советлари ва ишчи комитетлари зиммасига хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига риоя қилиниши, ишчиларнинг махсус кийимлар билан ўз вақтида таъминланиши, меҳнат шароитини яхшилаш учун ажратилган маблағлардан тўла ва тўғри фойдаланиши устидан амалий контроль қилишини таъминлаш, совхоз ва РТС ишчи ҳамда хизматчиларига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволи устидан контролни кучайтириш вазифасини юклайди. Касаба союз ташкилотлари дала шийпонларида ва далачилик бригадаларида санитария постлари ташкил этилишига эришишлари лозим.

Қарорда қишлоқ хўжалик ходимларига уй-жой — маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ меҳнаткашлари орасида маданий-оммавий ва тарбиявий ишларни яхшилаш, физкультура ва спорт, кадрлар тайёрлаш масалалари ва бошқа масалаларга катта эътибор берилган.

ВЦСПС III пленуми ўз қарорида КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш — касаба союзларининг энг муҳим вазифаси, деб таъкидлайди. (ТАСС).

ГРУЗИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ XX СЪЕЗДИ

ТБИЛИСИ, 27 январь. (ТАСС). Бу ерда Грузия Компартиясининг XX съезди икки кун давом этди.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети Президиумини съезднинг фахрий президиумига ғоят баланд рух билан сайладилар.

Съезд Грузия Компартияси Марказий Комитети ва ревизия комиссиясининг докладларини муҳокама қилди.

Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе Грузия Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Докладчи айтдики, республика хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришди. 1959 йилда республикадаги бутун саноатнинг ишлаб чиқарган ялпи маҳсулоти 1940 йилдагига нисбатан 3,7 баравар кўпайди. Ўтган йили ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 103,4 процент бажарилди.

Докладда ва съезд делегатларининг нутқларида республиканинг ўтган икки йил мобайнида қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида эришган муваффақиятлари ҳақида гапирилди. Масалан, чой етиштирувчилар ўтган йили давлатга 140 минг тонналан кўпроқ яхши навли чой барги топширдилар. Бу эса, 1958 йилда олинган чой барги ҳосилидан 7 минг тонна ортиқдир. Мева ҳосилдорлиги ортди. Пиллачиликни ривожлантиришда анча яхши натижаларга эришилди.

Доклад ва съездда сўзланган нутқларда идеология ишларига кўп эътибор берилди. Нотиқлар партия ташкилотларининг ташкилотчилик ишларини ва идеология соҳасидаги ҳамма ишларини яхшилаш натижасида республика меҳнаткашлари ана шу муваффақиятларга эришганликларини таъкидладилар.

Съезд ўз қарорида КПСС ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб айтадики, Грузия коммунистлари, республиканинг меҳнаткашлари партия XXI съезди белгилаган режаларни муваффақиятли амалга ошириш учун, етти йиллик план топшириқларини ошириб бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар.

Грузия Компартияси Марказий Комитети ва ревизия комиссияси сайланди.

ЎЗБЕКИСТОНДА КАРТОШКА ЭКИШ

ТЕРМИЗ. 28 январь. (ЎзТАГ). Сурхондарё областининг бир қанча районларидаги колхозлар республикада биринчи бўлиб эрта муддатларда картошка экишга киришдилар. Ҳамма жойда картошканинг районлаштирилган энг яхши сортлари экилмоқда.

Ўзбекистоннинг жанубидаги хўжаликлар картошка майдонини қарийб уч баравар кенгайтирмоқдалар. Улар илғор агротехникани қўлланиш йўли билан, далаларнинг ҳосилдорлигини икки баравардан зиёд ошириб, ҳар гектардан 150 центнергача картошка олишни мўлжалламоқдалар.

Картошканинг эрта муддатларда экилиши ёз бошида яна бир марта картошка экишга ва шундай қилиб, ҳамма участкаларда картошкадан икки марта ҳосил олишга имкон беради.

СЎНГГИ СОАТДА

Кеча, 28 январда

500 ХОНАДОНГА ГАЗ

ҚАРШИ ШАҲАР АҲОЛИСИНИ ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАДБИРЛАРИ КЎРИЛАЕТИР. СЎНГГИ ХАБАРГА ҚАРАГАНДА, 20 ХОНАДОНГА ГАЗ КЕЛТИРИЛГАН. 1960 ЙИЛНИНГ ОХИРИГА БОРИБ ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН ХОНАДОНЛАР СОНИ 500 ГА ЕТАДИ.

БУ — ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТИНИ ЕНГИЛЛАШТИРАДИ.

АНДИЖОНЛИКЛАР АҲДИ

Кеча газета верстканси тугаш олдидан мухбиримиз Андижондан қуйидагиларни билдирди:

Область пахтакорларининг кенгаши ўз ишини тугатди. Унда 1960 йил вазифалари муҳокама қилинди. Андижонликлар бу йил давлатга 652 минг тонна пахта сотишга аҳд қилдилар.

Бу ҳақдаги материал газетанинг келгуси сонида берилади.

ЯНГИ РЕКОРД

Тунда ТАСС телеграммаси олинди. Унда совет учувчилари «МИ—6» вертолётида учиб, янги рекорд қўйганликлари ҳақида хабар қилинади. Илгари расмий жаҳон рекордига Америка учувчиси Е. Харгетто эришган эди. Совет учувчилари ундан 40,53 километр ўзиб кетдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ Л. Ф. ПОЖАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚУРИЛИШ ВА АРХИТЕКТУРА ИШЛАРИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Леонид Федорович Пожаров Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қурилиш ва архитектура ишлари Давлат комитети Раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

И. БАБКОВ.

1960 йил, 27 январь
Тошкент шаҳри.

ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК КУЧАЙТИРИЛСИН

САМАРҚАНД, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Область партия ташкилотининг XI конференцияси бўлиб ўтди.

Докладчи — Ўзбекистон КП область комитетининг биринчи секретари Ўрток О. Маҳмудов Ленин орденли областнинг партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети тевараги-га ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам жипслашиб, меҳнаткашларни партия Марказий Комитетининг XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларини амалга оширишга сафарбар этмоқда, дели.

Сўнгги икки йил ичида область саноати давлат планларини ортиғи билан бажарди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 17 процент ортди. Ўтган йили пландан ташқари бирнеча миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Иш процессларини механизациялаш ва автоматлаш натижасида 12 миллион сўмлик фойда олинди. Меҳнат унумдорлиги анча ошди.

Область темир йўлчилари 1959 йилда 4 минг 430та оғир юкли поезд тузиб, юкни муддатидан анча олдин манзилга етказдилар. Юкларни зич жойлаштириш ва тезкорлик йўли билан 660 та вагон иқтисод қилинди. Областда қурилишнинг ҳажми 60 процентдан зиёд ўсди.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўтган йили пландагидан 52 минг тонна кўп пахта етиштириб, бир йил ичида етти йилликнинг бешинчи йили даражасига етдилар. Пастдарғом, Иштиҳон ва Жиззах районлари эса 1959 йилдаёқ 1965 йилга мўлжалланган даражага етиб олдилар.

Ҳисобот даврида область колхозлари ва совхозларида пахта ҳосилдорлиги гектарига 7,4 центнер кўпайди. Механизациядан кенг фойдаланиш туфайли етиштирилган ҳар бир центнер пахтага бундан икки йил бурун 12 меҳнат куни сарфланган бўлса, ўтган йили 7 меҳнат куни сарфланди. Ҳар бир центнер пахтанинг таннархи 246 сўмдан 170 сўмга туширилди. Дон хўжалиги, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам анча ривожланди.

Докладчи ва сўзга чиққан делегатлар муваффақиятларни қайд қилиш билан бирга, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида йўл қўйилган жиддий камчиликларни очиб ташладилар.

Бирмунча корхоналарда комплекс механизация ва автоматлашни кенг жорий этиш, эски ускуналарни янгилаш, модернизация қилиш ҳамда илғор технологиядан кенг фойдаланишга етарли эътибор берилмаётир. Кровать фабрикаси, металл ишлари заводи ва нон комбинати каби корхоналар сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётир. 8- гишт заводи бошқармаси ва Каттақўрғондаги 3- ремонт заводида меҳнат унумдорлиги пасайиб кетган.

Саноатда, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида ҳали ишга солинмаётган резервлар кўп. Каттақўрғондаги ёғ-экстракт заводида хомашё нобудгарчилигига йўл қўйилиши ва янги технологик тадбирлар амалга оширилмаганлиги натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалдагидан анча кам бўлди. 150-қурилиш трестида фойдаланилмаётган техника ускуналарини ишга солиб, қурилиш ишларини янада тезлаштириш ва арзонлаштириш мумкин эди. Аммо бу иш қилинмади. Консерва заводида ҳам қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятилан тўла фойдаланилмади.

Қишлоқ хўжалигида ҳамон қолоқ участкаларнинг борлиги ачинарлидир. Ўтган йили областда 30 колхоз ва 10 совхоз 59 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта даражадан кам ҳосил олди. Бу хўжаликларда ҳосилдорликни ҳар гектарига 20 центнерга етказиш йўли билан камида қўшимча 18 минг тонна пахта етказиш мумкин эди. Ҳосилдорликни оширишнинг энг муҳим воситаси бўлган комплекс механизациялашга ва ернинг ҳосилдорлигини оширишга янада эътибор бериш лозим.

Делегатлардан Оқдарё районидаги Энгельс номли колхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи М. Холбоев, Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхознинг раиси Исмоилова, Пастдарғом район партия комитетининг секретари Солихбоев, Жиззах районидаги Ленин номли колхоз бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Равшанов ва бошқа ўртоқлар пахтадан кўп ва арзон ҳосил етиштиришдаги тажрибаларини гапириб бердилар.

— Каттақўрғон районидаги «Ленин йўли» ва Хрушчев номли колхозлар шароитида, — деди ўз сўзида район партия комитетининг секретари ўртоқ С .Яхшиев, — зовурларни тозалаб туриш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунга амалий ёрдам бериш область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиқлари Аблуқодиров ва Лобов ўртоқларга топширилган эди. Бироқ, улар бу вазифани бажармай икки йилдан бери пайсалга солиб келдилар. Область сув хўжалиги бошқармаси ва совхозлар трестининг раҳбарлари Далсианс ва Каримов ўртоқлар қолоқ участкаларда ҳосилдорликни ошириш тадбирларини амалга оширишга бепарво қарамоқдалар.

Конференция делегатлари чорвачиликни ривожлантириш, айниқса гўшт етиштиришни кўпайтиришга катта эътибор бердилар. Областда чорва маҳсулотлари етиштиришда ўртача рақамлар билан қаноатланилмоқда. Ўтган йили 5 та район қоракўл қўйларни кўпайтириш планини, 7 район эса паррандачилик планини бажармади.

— Насл олишни яхшилаш ва молларни бўрдоқига боқиш йўли билан бу йилнинг ўзида гўшт етиштиришда уч йиллик топшириқни бажарамиз,—деди ўз сўзида «Фориш» совхозининг бош чўпони Ўртоқ Қурбонов. Совхоз бўйича ҳар 100 бош совлиқдан 140 бош қўзи, ҳар бир қўйдан 4 килограммдан жун олинади. Бироқ, узоқ яйловларни сув, маданий-маиший ва ветеринария хизмати билан таъминлашга жиддий эътибор берилмаётир. Совхознинг чорва қишловига бинолар етишмайди.

Нотиқлар область меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш тўғрисида чиқарган қарорини мамнуният билан кутиб олганликларини айтдилар. Жиззах район колхозлари ҳамкорликда 100 ўринли касалхона биноси қуриш, шунингдек Пастдарғом, Самарқанд ва Иштиҳон район колхозларининг медицина пунктларига яқиндан ёрдам бериш юзасидан бошланган ташаббуслари қизғин маъқулланди.

Делегатлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикада сабзавот ва полиз экинлари ҳамда картошка етиштиришни кўпайтириш юзасидан чиқарган қарорида Самарқанд области адресига қилинган танқиднинг тамомила тўғри эканлигини айтиб, ана шу қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш чоралари ҳақида гапирдилар. Икки йил ичида областнинг колхоз ва совхозларида сабзавот ва картошка етиштириш топшириғи бажарилмади. Самарқанд район партия комитетининг секретарлари Ортиқов ва Тошпўлатов ўртоқлар ўтган йили сабзавот ҳамда картошка етиштиришни кўпайтириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламадилар. Жиззах ва Каттақўрғон шаҳарлари атрофидаги хўжаликларда боғ ва сабзавотчилик секин ривожланмоқда. Область колхоз ва совхозларида шу йилнинг ўзида 85 минг тонна сабзавот, 60 минг тонна картошка ва 80 минг тонна полиз экинлари етиштириш чораларини белгилаш зарур.

Коммунистлардан 45,6 процентини новатор ишчилар ва илғор колхозчилар, қарийб 20 процентини хотин-қизлар ташкил этади. Йиғилган 67 та хўжаликда партия комитетлари тузилди. Корхоналарда 623 та цех қуйи партия ташкилоти бўлиб, булардан 504 га бошланғич партия ташкилотининг ҳуқуқи берилди.

Конференцияда область партия ташкилотининг идеология иши КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорига асосланиши, хўжаликка раҳбарлик қилиш услуби эса КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида ўртоқ Н. С. Хрушчев кўрсатиб берган йўл-йўриқлар асосида мукаммаллаштирилиши лозимлиги уқтириб ўтилди. Шунингдек, СССР Олий Советининг Қуролли Кучлар сонини 1.200 минг киши миқдорида қисқартириш тўғрисидаги Қонуни қизғин маъқулланиб, Совет Армияси сафидан қайтиб келган солдат ва офицерларни яхши кутиб олиш, уларни уй-жой ва иш билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова қатнашди ва нутқ сўзлади.

Конференция область партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги составини ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги съездига делегатлар сайлади.

Конференция делегатлари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига табрик Мактуби қабул қилдилар.

* * *

Область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ўртоқ **О. Маҳмудовни** область партия комитетининг биринчи секретари, ўртоқ **Ф. М. Прасс**ни иккинчи секретарь, **Г. Юсупов, А. М. Аранелов** ва **Д. Ҳамроқулов** ўртоқларни секретарлар қилиб сайлади.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Москвада бундан беш йил аввал очилган Ҳиндистон санъати виставкаси экспонатлари Совет ҳукумати томонидан сотиб олинган эди ва мамлакатнинг энг йирик музейларига берилган эди. Ана шу экспонатлардан 500 таси Ўзбекистон санъат музейига юборилди. Виставка музей томошабинларини ғоят қизиқтирмоқда. СУРАТДА: сиз кўриб турган ёшлар Қорақалпоғистондан келганлар. Музейнинг илмий ходими И. Прица уларга металлга ўйиб ишланган нақшларни кўрсатмоқда.

Д. Хўжаева фотоси

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МЕХАНИКА ЮЗАСИДАН БУТУНИТТИФОҚ СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

27 январда Москвада назарий ва амалий механика юзасидан Бутуниттифоқ съезди ўз ишини бошлади. Съездда қатнашаётган 2 минг киши орасида мамлакатдаги барча университетлар ва олий техника ўқув юртларининг вакиллари, шунингдек илмий тадқиқот институтлари ва саноатдаги етакчи лабораторияларнинг вакиллари бор. Чет эллиқ меҳмонлар — Болгария, Германия Демократик Республикаси, Хитой, Нидерландия, Польша, Руминия, АҚШ, Франция, Чехословакиянинг машҳур олимлари ҳозир бўлдилар.

Съезд ташкилот комитетининг раиси академик Н. И. Мусхелишвили съездни очиб, кириш нутқи сўзлади. СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик М. А. Лаврентьев СССР Фанлар академиясе номидан, СССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари С. В. Румянцев олий мактаб ходимлари номидан, ректор академик И. Г. Петровский Москва университети коллективи номидан, академик А. А. Благонравов СССР Фанлар академияси техника фанлари бўлими номидан съезд қатнашчиларини табрикладилар. Шундан кейин чет эл фанининг намояндалари бирин-кетин минбарга чиқдилар. Улар съездни табрикладилар ва механиклар рус совет мактабининг жаҳоншумул аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Съезднинг жуда кўп секциялари шу куниёқ ишга киришди. Бу секцияларда 700 га яқин доклад ва ахборот тингланади. (ТАСС).

МАШҒУЛОТЛАР ЮҚОРИ САВИЯДА

Ўрта Чирчиқ районидаги колхоз ва совхозларда агрозоотехника курсларига 552 киши жалб қилинган. Курсларда машғулотлар юқори савияда ўтказилмоқда. Лекция ва суҳбатлар билан бир қаторда амалий машғулотлар ҳам ўтказилаётир, илғор хўжаликларга экскурсиялар уюштирилмоқда, қишлоқ хўжалигига доир кинофильмлар кўрсатилаётир.

А. ҚОБИЛОВ.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН

БИРИНЧИ ДЕПУТАТ

Ф. Э. Дзержинский номли Москва «Трёхгорная мануфактура» комбинати пойтахтнинг энг кекса корхоналаридан биридир.

Бу йирик тўқимачилик комбинати шонли революцион тарихга эга. Владимир Ильич Ленин трёхгоркачилар олдига тез-тез келиб турар, уларнинг энг азиз меҳмони эди. Ленин номидаги Маданият уйи жойлашган ерда илгари вақтларда Прохоров ошхонаси бўларди. Шу бинода Владимир Ильич 1920—1921 йилларда трёхгоркачилар йиғилишида нутқ сўзлаган.

Комбинатнинг кекса ишчилари Владимир Ильич билан учрашиб, у билан завқли суҳбатлар қилганликларини, унинг оташин нутқларини қанчалик ҳузур қилиб тингланликларини зўр ифтихор билан эслайдилар.—Доҳийнинг ҳар бир сўзини диққат билан тингладик, унинг фикрлари бизда фақат бир истакни—коммунизм чўққилари сари олга бориш истагини уйғотарди,—дейишади.

Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилганидан кейин комбинатнинг ип йигирувчилари ва тўқувчилари Москва Советининг биринчи депутати қилиб Владимир Ильични сайладилар.

—Биз Владимир Ильични ўз депутатимиз қилиб сайлаганимиздан кейин, — дейди М. И. Дмитрчук, — коллективнинг кекса аъзолари доҳийга депутатлик мандатини топшириш учун Кремлга бордилар. В. И. Ленин уларни жуда самимий қабул қилиб, ўзига катта ишонч билдирганликлари учун миннатдорчилик изҳор қилди ва бутун фаолиятини ишончни оқлаш учун бағишлаяжагини айтди.

М. И. Дмитрчук қарийб 40 йилдан бери шу комбинатда ишламоқда. У район Советининг депутати. —Ленин жуда дилкаш ва ҳазилкаш эди. Оддий кишиларнинг фикрини охиригача эътибор бериб тингларди ва дарҳол йўл-йўриқ кўрсатиб берарди. Ғоятда очиқ кўнгил, меҳрибон, камтар, биз учун энг азиз дўст улуғ Ильич хотирамда абадий сақланади,—дейди Мария Ивановна Дмитрчук.

Владимир Ильич билан суҳбатлашишдек буюк бахтга мушарраф бўлган кишидар Трехгорканинг ҳозирги депутатларига улуғ Ленин ўзининг депутатлик бурчини виждонан бажаришга доимо эътибор берганлигини эслатиб турадилар.

Г. БАХШИЕВА.
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

УНИНГ ХОТИРАСИ ЎЧМАСДИР

Тошкент тўқимачилик комбинати Маданият саройида Владимир Ильич туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган кечалар бошланди. Биринчи кечада «В. И. Ленин — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси ва йўлбошчиси» деган лекция ўқилди. Лекциядан кейин бу ерда ҳозир бўлганлар меҳнаткашларнинг улуғ йўлбошчиси В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолияти ҳақидаги фильмни томоша қилдилар. Ишчилар Ильичнинг кинопленкага ёзиб олинган овозини диққат билан тингладилар.

Маданият саройида партиянинг Ленин раҳбарлиги остида Совет ҳокимиятини қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борган курашини акс эттирувчи фотомонтажлар ва сурат виставкалари тайёрланмоқда.

Дам олиш кунлари болалар эрталиклари ўтказилмоқда. Ана шундай эрталиклардан бирида ёш томошабинлар театрининг артисти М. М. Головин болалар ўртасида сўзга чиқди. Бир қанча спектакларда В. И. Ленин ролини ижро этган бу актёр болаларга ролни ижро этиш устида қандай ишлаганлиги ҳақида гапириб берди. Надежда Константиновна Крупская билан бўлган учрашувлари тўғрисида ўз хотиралари билан ўртоқлашди. Владимир Ильич хотирасига бағишланган инсценировка кўрсатилди.

Тошкентнинг ҳамма корхоналарида. муассасаларида ва ўқув юртларида Ленин кунларига тайёргарлик кенг авж олдирилмоқда. Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводининг цехларида пропагандистлар ва агитаторлар Ленин васиятларининг амалга ошганлиги ҳақида, совет халқининг коммунистик қурилишда эришган шонли ғалабалари тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқдалар. Шу кунларда заводдаги музейга кўплаб экскурсиячилар келиб кетмоқда. Бу музейда Ленин чақириғи билан қўлга қурол олиб, Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатган Тошкент ишчиларининг қаҳрамонлигини акс эттирувчи тарихий ҳужжатлар тўпланган.

«Қизил тонг» тикув фабрикаси қутубхонаси яхши ташаббус кўрсатди. Бу ерда ташкил қилинган бадиий ўқиш ҳаваскорлари группаси тушки овқат танаффуси вақтида В. И. Ленин тўғрисидаги бадиий асарлардан парчалар ўқиб бермоқдалар. Тикувчилар Маданият саройи ҳузуридаги музика мактабида болалар Ильичнинг яхши кўрган қўшиқларини ўрганмоқдалар. Фабрикадаги маданият университетининг яқинда бўладиган машғулотларидан бири «Адабиёт ва санъат асарларида В. И. Ленин образи» деган темага бағишланади.

Ўрта Осиё политехника институтида ва шаҳардаги бошқа олий ўқув юртларида В. И. Ленининг айрим асарларига бағишлаб ўтказиладиган назарий конференцияларга тайёргарлик кўрилмоқда.

(ЎзТАГ).

В. И. ЛЕНИНГА ҲАЙКАЛ

СТАЛИНОБОД, 27 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда Тожикистон ССР Ҳукумат уйи рўпарасидаги Совет майдонида Коммунистик партиянинг ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленинга ҳайкал қурила бошланди.

Ҳайкалнинг пойдевори қарийб 500 квадрат метрни ташкил этади. Ҳайкал баландлиги 12,65 метр бўлади. Постамент ва ҳукумат трибуналари рангли гранит ва мармар тошдан ишланади. В. И. Ленининг беш метрлик ҳайкали бронзадан қуйилиб тайёрланади. Ҳайкал ёнида катта сквер барпо қилинади.

Монумент Владимир Ильич туғилган куннинг 90 йиллигига — 1960 йил 22 апрель куни очилади.

СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ БИЛИМЛАРНИ ТАРҚАТУВЧИ БУТУНИТТИФОҚ ЖАМИЯТИНИНГ УЧИНЧИ СЪЕЗДИ

Катта Кремль саройида Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ жамиятининг учинчи съезди ўз ишини давом эттирмоқда. 27 январда делегатлар Жамият правлениеси ва Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Эрталабки мажлисда биринчи бўлиб сўзга чиққан Ўзбекистон ССР жамияти правлениесининг раиси И. М. Мўминов саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, олий ўқув юртлари ва бошқа жойларда ташкил этилган лекторлик группаларининг ижодий фаолиятига эътибор берди. 1960 йилда Ўзбекистонда бундай группаларнинг сони 4.000 га етказилади.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош Сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Х. Калашник Жамият ташкилотларининг Қуролли Кучлар орасида олиб бораётган самарали шефлик ишлари ҳақида гапирди. Фан ва маданият арбобларидан кўп киши солдат ва офицерлар учун лекциялар ўқимоқда. Нотиқ ҳозирги вақтда Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети IV сессиясида қилган докладини, СССР Қуролли Кучларини яна анча қисқартириш тўғрисидаги Қонунни ҳамда партия ва ҳукуматнинг армиядан бўшатилаётган ҳарбий хизматчиларни ишга жойлаштириш ва моддий-маиший жиҳатдан таъминлаш ҳақидаги Қарорини жангчиларга тушунтириш масъулиятли вазифадир, деб таъкидлади.

Ленинград шаҳри ва области районларида ягона план бўйича лекциялар ўтказиш тобора кенг қўлланилмоқда, техника билимларини пропаганда қилиш ишлари тобора конкрет ва амалий тус олмоқда. Бу ҳақда шу бўлим правлениесининг раиси М. С. Зверев сўзлаб берди.

Қирғизистон ССР жамияти правлениесининг раиси С. Тобишалиев буржуа идеологиясига карши кураш масалаларига тўхталди, бу масала миллий республикалар шароитида айниқса муҳимдир.

Днепродзержинскдаги Дзержинский номли металлургия заводида ташкил этилган завод лекторлик группасининг раҳбари Н. В. Сивоволов лекторларнйнг завод цехларига, умумий ётоқхоналарга, маданият саройлари ва клубларга тез-тез бориб туришлари ҳақида гапиради. Кўп лекцияларнинг темалари корхонанинг ҳаётидан олинмоқда. Кўп вақт лекциядан кейин камчиликларни бартараф қилишнинг конкрет йўллари биргаликда белгиланади, таклифлар муҳокама қилинади.

Жамиятнинг Свердловск область бўлими правлениесининг раиси З. В. Пушкарева фаннинг энг янги ютуқларини эгаллашда олимлар инженерларга, техникларга, ишлаб чиқариш новаторларига кандай ёрдам бераётганлигини область мисолида кўрсатиб беради.

Съезд қатнашчилари мамлакатнинг энг кекса олимларидан бири академик Е. Н. Повловскийнинг сўзини самимий кутиб олдилар. Нотиқ лекция пропагандасини яхшилашнинг бир қанча амалий масалаларига тўхталиб ўтди.

Билимлар тарқатувчи Польша жамияти раисининг ўринбосари Болеслав Курилович съездни табриклади.

Эрталабки мажлиснинг охирида мандат комиссиясининг раиси А. П. Студенцов доклад қилди. (ТАСС).

БУ КИТОБЛАРНИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Ўзбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

Авторлар коллективи.—«Ўзбек адабиёти». Тўрт томликнинг учинчи томи. (Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган даври). 802 бет, тиражи 25.000, баҳоси 8 сўм 20 тийин.

Рашод Нури Гунтекин.— «Чолиқуши» роман. Туркчадан М. Исмоилий таржимаси. 401 бет, тиражи 15.000, баҳоси 13 сўм.

Анна Сансе.— «Юксалиш». Самиъ Раҳим таржимаси. 473 бет, тиражи 15.000, баҳоси 9 сўм 80 тийин.

Г. П. Владимиров.—«Поэзия Правды» русча. 504 бет, тиражи 10.000, баҳоси 14 сўм 90 тийин.

Ҳусайин Шамс — «Танланган асарлар». Ҳикоя ва очерклар, романлар. 482 бет, тиражи 45.000, баҳоси 9 сўм 40 тийин.

Назармат.—«Сир бўйи—нур бўйи». Шеър ва поэмалар. 91 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 80 тийин.

Раҳмат Файзий. — «Кишиларимиз қиссаси». 482 бет, тиражи 60.000, баҳоси 9 сўм 80 тийин.

Авторлар коллективи. — «Дағистон куйлайди». Дағистон ёзувчиларининг асарлари. Тўпловчи Расул Расулов. 269 бет, тиражи 10.000, баҳоси 6 сўм 45 тийин.

Тошкент сут комбинатида сузма-ни қутиларга жойлайдиган автомат ўрнатилди. Бу янги ускунанинг ўрнатилиши билан сузма тайёрлаш беш марта кўпаяди. Сут оқадиган металл қувурчалар ўрнига озода ойнадан ишланган трубачалар ўрнатилди. Шунингдек ёғи олинган сигир сутидан қимиз ҳам ўрнатилди. СУРАТДА: (чапдан ўнга) қаймоқ цехининг бошлиғи И. Королева, слесарь А. Белавин, ишлаб чиқариш мудири М. Шчербакова ва комбинатнинг бош инженери Н. Буеверова қимиз тайёрлайдиган машина ёнида.

В. Кожевников фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ДЕҲҚОН ВА ОЛИМ

Олимлар билан совхоз активлари ўртасидаги мунозара жиддий тус олди.

— Пахта етиштириш юзасидан етти йиллик планни беш йилда бажарамиз, — деди совхоз директори.

— Яхши ният ярим давлат, муваффақият тилаймиз, — луқма ташлади доцент О. М. Мирзаев.— аммо бу ҳазилакам иш эмас. Мажбурият олиндими, бажарилиши керак. Мажбурият олганда қандай резервларни кўзда тутасизлар?

— Ҳосилдорликни оширамиз, қўшимча резервларни ишга соламиз, ҳамма ишни механизациялаштирамиз, пайкалдан кетмонни суриб чиқарамиз. Резервларимиз ана шулар.

— Биз совхозга амалий ёрдам бергани келдик, — гапида давом этди доцент, — ишнинг оқсоқ томонларини сира тортинмай айтаверинг, қўлимиздан келган кўмагимизни аямаймиз.

Директор бироз ўйлангач бутун аҳволни, бор гапни айтиб берди. Олимлар хўжаликнинг фаолияти билан танишдилар. Фойдаланилмай ётган жуда кўп резервларни аниқлаб, уларни ишга солиш режаларини тузишда кўмаклашдилар.

ЕРНИНГ ЯХШИ-ЕМОНИ ЙЎҚ

Совхозда 4 бўлим, 25 пахтачилик бригадаси бор. Бироқ, улар бир хил шароитга эга бўлса ҳам ҳосилдорлик жиҳатдан паст-баланд. Масалан Жафеш Халилов бошлиқ бригада аъзолари 1959 йилда гектаридан 36,5 центнердан пахта кўтаришди. Аммо, ер, сув, об-ҳаво шароити, ишчи кучи ва механизмлар бир хил бўлган Шаман Усмонов бошлиқ бригадада гектаридан атиги 22,5 центнердан ҳосил олинди.

— Кам ҳосилли бўлим ва бригадаларни илғорлар қаторига етказишнинг ўзиёқ пахта ҳосилдорлигини оширишда энг муҳим резервлардан бири ҳисобланади, — деди профессор В. А. Буририн. — Нотекислик йўқотилиши керак. Яхши-ёмон ер бўлмайди, яхши-ёмон деҳқон бўлиши мумкин. Ер бамисоли хазина, унинг калиди — деҳқоннинг қўлидаги техника, меҳнат! Фақат бригадалар ва бўлимлар ўртасидаги тенгсизликни тугатиш ҳисобигаёқ ялпи пахта етиштиришни ҳозиргига нисбатан 600 тонна кўпайтириш мумкин.

Лекин бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, — сўзида давом этди профессор, — бунинг учун ишчиларнинг куч-ғайрати ҳар қачонгидан ошиши, механизмлардан фойдаланиш тубдан яхшиланиши, ҳар бир ишчи, механизатор етти йилликда ўзи эгаллаши лозим бўлган чўққига тезроқ чиқиш учун курашиши, пахтачилик бригадалари ва карталар йириклаштирилиши керак.

— Ўтган йилги 52 пахтачилик бригадасини йириклаштириб, 25 тага келтирдик, — деди директор. — Буларнинг ҳаммаси комплекс механизациялашган бригадалар бўлиб, кетмон ишлатмасдан пахта етиштиради. Келгуси бригадаларни янада йириклаштириш кўзда тутилмоқда.

— Бу совхоз учун жуда катта қимматга молик, — деди профессор. — Фақат бўлим ва бригадалар йириклаштирилиши ҳисобигагина ҳар йили 500 минг сўм маблағ тежаб қолинади. Энди механизация масаласига келганда, у бебаҳодир. Дастлабки ҳисоб шуни кўрсатмоқдаки, қўл кучи устуч бўлган йилларда ҳар центнер пахта етиштиришга 7—8 ишчи куни сарфланган бўлса, механизация кенг қўлланиши натижасида 2—2,5 ишчи куни сарф бўлмоқда. Оқибатда 1 миллион сўмдан кўп маблағ иқтисод қилинаётир. Бундан кейин ҳам механизацияга зўр бериш зарур.

ҒЎНГ — ЕРНИНГ ДАРМОНИ

— Маҳаллий ўғитдан қандай фойдаланилянти? — сўради — доцент В. Н. Чирков.

— Ўтган йили пахта майдонига 4 минг тоннага яқин маҳаллий ўғит солинган эди, — жавоб берди бош агроном ўртоқ Муҳаммаджонов.

Олимлар маҳаллий ўғит тўплаш ва ундан фойдаланиш усуллари билан танишдилар. Совхозда ҳар йили 6—7 минг тонна маҳаллий ўғит тўплаш учун катта имконият бор. Лекин, ўтган йилларда шу имкониятларнинг атиги ярмидан фойдаланилди.

— Деҳқончилик соҳасида, хусусан пахтачиликда маҳаллий ўғитнинг ролига етарли баҳо бермаслик халқ ибораси билан айтганда нон тепкиликдир. — Ўртоқ Чирков маҳаллий ўғитдан тўғри фойдаланилганда пахта ҳосили гектар бошига 3—4 центнер, ҳатто ундан кўпроқ ошажагини айтди.— Бу, тажрибада синаб кўрилган. Совхоз маҳаллий ўғитдан унумли фойдаланиш ҳисобига ялпи пахта ҳосилини яна 1000—1100 тонна кўпайтириши мумкин.

Аммо ғўнг, қўй қийидан фойдалана билиш керак. Ҳар бир хўжаликда чуқур қазилган ғўнгхоналар бўлиши, йилнинг тўрт фаслида бу ерга ғўнг тўпланиб чиритилиши, шундан кейингина экин ерига солиш керак. Афсуски, агротехникаларнинг бу қоидасига унча риоя қилинмаяпти. Ғўнг далага чиқариб тўкилади, очиқ-сочиқ қолиб, кучи йўқолади-да, минерал ўғитга умид боғланади. Ваҳоланки, минерал ўғит учун кўплаб маблағ сарфланади, маҳаллий ўғит текинга тушади. Ғўнг — ернинг дармонидир.

* * *

Тошкент Қишлоқ хўжалик институти олимлари билан «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози коллективи ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Яқинда олимлар билан пахтакорларнинг навбатдаги учрашуви бўлди. Бунда совхоз директори ўртоқ И. Иброҳимов етти йилликнинг иккинчи йилида совхоз ишчилари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапириб берди.

— КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларидан илҳомланган совхозимиз коллективи, — деди у — бу йил давлатга 11 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олди. Бу — ўтган йилдагидан 2000 тонна кўпдир.

Ҳозир кўкламга тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Ариқ ва зовурлар қазилиб, сизот сув қочирилмоқда. Тўғонлар, дамбалар тартибга келтирилди. Участкаларни планлаш, паст-баландликларни текислаш ишлари тугалланай деб қолди. Қатталар тракторчилик бригадаларига бириктириб чиқилди. Далага 2 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарилиб чиритилмоқда.

Бу йил совхознинг ўзида трактор-чилар тайёрлаш курси ташкил қилиниб, 40 киши ўқитилмоқда. Мирзачўл ва Вревскийдаги механизация мактабини 20 киши битириб келди. Бу кадрлар тракторчилик бригадаларига бошчилик қиладилар. 80 та трактор ва уларга тиркалиб ишлатиладиган агрегатлар ремонтдан чиқарилди.

Совхозда студентлардан иборат иккита трактор-далачилик бригадаси тузилиб, 300 гектар пахта майдони ажратиб берилди. Студентлар олимлар раҳбарлигида. пахтакорлар билан ҳамкорликда ишлаб, назарий билимни тажрибага пайванд қиладилар.

М. НАЗАРОВ,
Қуйи Чирчиқ райони.

1860

А. П. ЧЕХОВ

1960

Н. МЕЛАМЕД чизган расм.

УСТОД

Кўп сўз ёлғоннинг юзини пардозлаш учун керак. Ҳақиқат шундай жононки, пардоз унинг ҳуснини бузади. Устод Антон Павловичнинг кўзни қамаштирадиган гўзал ҳикояларини қайта-қайта ўқиб, буларнинг гўзаллик сирини ахтарганимда шу фикрга келган эдим.

Мен кўлимга қалам олиб рус адибларидан мадад сўраган вақтларимда буларнинг кўпига эргашганман, лекин услубда менга ҳеч ким Домла Чеховчалик таъсир кўрсатган эмас.

Агар мен услубда бирон даража камолатга эришган бўлсам, бунинг учун, шубҳасиз, устод Антон Павловичга қуллиқ қиламан.

Абдулла ҚАҲҲОР.

КИЧИК ҲИКОЯ МОҲИРИ

Рус адабиёти тарихида Чеховнинг хизмати шундаки, у кичик ҳикоянинг моҳиятини тушунди ва бу жанрни такомиллашган асар даражасига кўтарди. Чехов ҳикоялари ҳажми жиҳатидан кичик бўлса ҳам, лекин революциягача бўлган Россия, рус халқи ҳаётини кенг ва чуқур акс эттирди.

Истеъдодли ёзувчи кичик ҳикоялар яратар экан, композиция, образ, ҳикояда қатнашувчи кишиларнинг ўзаро муносабати, тил масалаларини янгича ҳал қилади.

Ҳикояларда қатнашувчи шахслар кам бўлса ҳам, ёзувчининг нима демоқчи бўлганини ўқувчининг ўзи фаҳмлаб олиши керак. Яратилган ҳар бир образ тип бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Ёзувчининг ўзи бу ҳақда: «Ҳар бир башара характер бўлиши керак ва ўз тилида сўзлаши зарур», деган эди.

Чехов ҳикоясида сюжет қандайдир бир қизиқ воқеа асосига қурилади, ана шу воқеа қисқача ва тез очиб берилади. Ўқувчи сюжетни эътибор билан кузатиб боради, ҳикояни ўқиб бўлгач, ундан зўр эстетик завқ олади.

А. П. Чехов сўз санъаткори сифатида ёзувчилардан сўзни моҳирлик билан танлашни, сўзга заргардек хасис бўлишни талаб қилди.

Чехов бадиий деталга эътиборни алоҳида жалб этди. Чунки, бадиий деталь ўқувчининг бадиий тафаккурини оширишнинг муҳим воситаларидандир. Деталь танлай билиш—Чехов ижодиётининг «сир»ларидан биридирки, кўпгина ёзувчилар ундан ҳудди ана шу нарсани ўргандилар.

Чехов кичик, ихчам ҳикоя жанрини ривожлантириб, унинг ўзига хос тус берди. Унинг асарлари орасида ҳажвий ҳикоялар катта ўрин олади.

Гоголь ўз асарларида исми-жисмига мос кишиларни усталик билан танлаган эди. Чехов ҳам бу анъанани давом эттирди. У ўз қаҳрамонларининг жисмига яраша исм топа олди. (Червяков. Курятин, Очумелов, Гадюкин, Подзатилкин, Пришибеев ва ҳоказо). Бу номларнинг ўзиёқ ҳалиги кишилар кимлар ва қанақа кишилар эканлигини кўрсатиб турипти. «Хамелеон» ҳикоясидаги Очумелов шароитга қараб, ўз фесъл-атворини, тўсини ўзгартириб турувчи шахсдир.

«Унтер Пришибеев» ҳикоясида золимлик, ахмоқлик, нодонлик тасвирланади. Бу асар фақат рус адабиёти тарихидагина эмас, балки жаҳон адабиёти тарихида ҳам ажойиб ҳикоядир. Пришибеев — ўзига ҳаддан ташқари ишониб кетиш, дахли йўқ ишларга ҳам ахмоқона аралашиш, жаҳондаги жонли, энг яхши нарсаларни бостиришга бўлган интилишнинг рамзи бўлиб қолди.

Улуғ Владимир Ильич Ленин ёзувчининг «6-палата» асарини ўқиб, унга катта баҳо берган эди.

Чехов табиат манзарасини чизиш йўли билан фақат касалхонадаги кишиларнинггина оғир ҳаётини тасвирлаб қолмасдан, Россия халқининг оғир, машаққатли ҳаёти нақадар даҳшатли эканлигини кўрсатиб беради. Моҳир санъаткорнинг ҳикояларидаги табиат манзараси—асарнинг ғоявий мазмунини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. «Айвонли уй» ҳикоясидаги табиат манзараларини эсланг. Бундан ташқари «Чўл» ҳикоясидаги гўзал табиат манзарасига кўп ёзувчилар томонидан юксак баҳо берилган эди.

Чеховнинг «Чиновникнинг ўлими», «Йўғон ва ингичка» ҳамда шу каби асарларидаги юмор рангбарангдир. «Қайғу», «Хасрат», «Дарёда» сингари ҳикоялари замирида гам-алам, қайғу ҳасрат, афсуснадомат ётади. Автор қоронғуликка, бахтсизликка маҳкум этилган халқ турмушининг ҳаққоний манзарасини кўрсатади.

Буюк санъаткор Чехов бутун ижоди билан инсонни майда-чуйда пасткашликдан, расвогарчиликдан сақлаб қолиш учун интилди.

Чехов халқнинг келажагига буюк ишончини «Олчазор» пьесасида ва «Қайлиқ» асарида ифода қилди. Россия келажакда гуллаб-яшнаган чаманзорга, боғга айланишига қаттиқ ишонди. Чехов интилган ҳақиқат бизда олижаноб ҳис-туйғуларини кучайтиради, бизни замонамизга муносиб кишилар бўлишга илҳомлантиради.

Х. АВЛОНОВА.

БАРАКАЛИ ТАЪСИР

Ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва ривожланишида улуғ рус классиклари ва рус совет ёзувчиларининг таъсири баракали бўлди. Кичик ҳикоя, новелла жанрининг туғилишида эса буюк рус санъаткори, ажойиб сўз устаси А. П. Чеховнинг самарали таъсири диққатни жалб этади.

А. П. Чеховнинг ўзбек прозасига, айниқса новеллага кўрсатган зўр таъсирини кичик бир мақола ҳажмида батафсил ёритиш мумкин эмас. Биз бу масаланинг айрим ерларигагина тўхтаб ўтамиз.

Чеховни дунё адабиётидан салмоқли ўрин эгаллашга олиб келган, уни улуғ санъаткор қилган асосий омиллардан бири—унинг реалист—ёзувчилигидир. Чехов санъатнинг ҳаққонийлиги учун тинмай курашди. Ҳаётни ҳаққоний акс эттириш учун эса, ёзувчи уни ҳар томонлама чуқур билиши лозим эди, чунки фақат шу тақдирдагина ёзувчи ҳаётдан типик, характерли воқеаларни, типик шахсларни танлаб олади.

А. П. Чехов ёш ёзувчи Н. Телешовга ёзган хатида ҳаётни билиш учун халқ орасида бўлиш лозимлигини уқтириб қуйидагиларни ёзган эди: «Қанча кўпни кўрсангиз, шунча ҳикоя келтирасиз. Халқ ҳаётини кўрасиз, чекка станцияларда, кулбаларда тунайсиз; албатта каналларга ҳам ем бўласиз. Аммо бу яхши». А. П. Чехов ҳаққоний ёзувчи бўлмоқ учун даставвал воқеликни билишни талаб қилса, шу билан бирга ёзувчилик касбига зўр масъулият билан қараш лозимлигини ҳам уқтирди. Чехов «бу соҳада юзаки билимдонлик билан узоққа» бориш мумкин эмаслигини, тинмай меҳнат қилиш лозимлигини таъкидлаб, «астойдил меҳнат қилиш керак. Ҳаммадан бурун тил устида. Гапни, сўзни эзиб ичиш керак» дейди. Буюк санъаткор ўз асарларида бу сўзларга тўла амал қилди ва талантнинг, меҳнатнинг зўр намуналарини кўрсатди. Бу ажойиб маҳорат дунё адабиёти вакилларини қойил қилди, ўзига тортди. Чеховнинг мактаби қардош халқлар адабиётига кенг кириб борди, шу жумладан ўзбек ёзувчиларимиз ҳам Чеховнинг ижодий лабораториясидан баҳраманд бўлдилар ва бўлмоқдалар. Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойдин, Саид Аҳмад, Ҳаким Назир каби ёзувчиларимизнинг ширали тили, асарларининг жозибадорлиги фикримизнинг исботи бўла олади.

А. П. Чехов сўзларни тежаб-тергаб ишлатиши натижасида катта воқеаларни кичик формада акс эттиришга муяссар бўлди.

Чехов ҳикояси одатда мураккаб бўлмаган сюжет, бирон кичик ҳодисалардан ташкил топади, ҳикояда қатнашувчи шахслар ҳам кўп бўлмай,фақат икки-учта бўлади. Чехов композицияни ниҳоятда ихчам тузади. У кўпинча экспозициядан воз кечиб, воқеани тугундан кульминацияга чиқазиб, кутилмаган ҳолда ечимга олиб келади. Бу приёмларни ўзбек ёзувчилари ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қилган. Масалан, А. Қаҳҳор ҳикояларида композицияни қўллаш приёмлари Чеховнинг машҳур ҳикояларидаги приёмларни эслатади. Умуман, Абдулла Қаҳҳор Чеховнинг энг талантли шогирди сифатида ажралиб турали. Унинг «Анор» ҳикоясини олиб кўрайлик. Ёзувчи ўқувчини дарҳол воқеа ичига олиб кириб кетади: «Туробжон эшикдан ҳовлиқиб кирар экан, қалами яктагининг ички зулфинга илиниб, тирсаккача йиртилди. Унинг шашти қайтди».

Абдулла Қаҳҳор асарлари тилнинг тиниқлиги, ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туради. Қаҳҳор тилни мумкин қадар халқ жонли тилига яқинлаштиради. Энг муҳим, энг ёрқин, энг ўткир деталларни териб олиб, ихчамликка эришади.

А. П. Чехов асарларининг юксак фазилатидан яна бири шуки, уларда новеллист кулгининг турли хилларидан моҳирлик билан фойдаланади. Унинг кулгиси фақат бадиий қимматга эга бўлибгина қолмай, ижтимоий, социал аҳамиятга ҳам эга. У кулги ёрдами билан ўзининг илғор қарашларини, тасвирланаётган воқеага бўлган муносабатини баён қилади. «Ёвуз ниятли киши» ҳикоясида деҳқоннинг нодон ва гўллиғидан кулса, «Чиновникнинг ўлими», «Унтер Пришибеев»да эса кулги катта ижтимоий ҳодисани фош қилишга қаратилади. Кулгининг турли кўринишларидан фойдалана олиш, уни асарнинг мағзига сингдириб юбориш приёмларини ҳам ўзбек ёзувчилари ижодий ўзлаштирдилар. Масалан, Ғ. Ғулом ўзининг «Ҳийлан шаърий» ҳикоясида пул учун виждонини ҳам сотишга тайёр бўлган шариат пешволари, қози-калонлар устидан кулса. «Луқмон» ҳикоясида билимсиз, уқувсиз ҳакимлар ва табиблар устидан аччиқ-аччиқ кулади.

Чехов ҳикояларида пейзаж сиқиқ композициянинг маълум функциясини бажариш учун қўлланилган. А. П. Чехов А. М. Горькийга ёзган бир хатида бу ҳақда қуйидагиларни дейди: «Табиат манзарасининг ифодали ва жозибалигига фақат соддалик билан эришилади». Чеховнинг бу талаби ҳам, А. Қаҳҳор ижодида яққолроқ кўринади.

Бироқ шуни айтиш керакки, ўзбек ёзувчилари улуғ санъаткорга кўр-кўрона эргашмадилар, балки унинг меросига ижодий ёндошдилар. Улар Чеховнинг традициясини янги шароитларда, янги воқеалар асосида ривожлантирдилар. Чехов ижодида учрайдиган гамгинлик кайфиятлари, замоннинг зиддиятларидан тўғри йўл топа олмаслик кайфиятлари, ўзбек ёзувчилари учун ёт эди. Улар бизнинг замонимизда яхши нарсаларга, ижтимоий тузумга шикаст берган тўсиқларга қарши курашдилар. Чеховнинг бадиий маҳорати, мактаби ёзувчиларимиз қаламини ўткирлаштиришда, маҳоратни оширишда шубҳасиз буюк роль ўйнамоқда.

А. Чехов бошқа қардош халқлар ёзувчилари каби ўзбек ёзувчиларимизни ҳам бадиий маҳорат чўққилари сари ундамоқда.

Саодат ТУРАБЕКОВА,
Тошкент давлат педагогика институтининг ўқитувчиси.

ЮБИЛЕЙ КУНЛАРИДА

Республикамизнинг йирик илмий маркази — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида А. П. Чехов юбилейи муносабати билан кўпгина тадбирлар амалга оширилди. 27 январь куни Олимлар уйи биносида А. П. Чеховнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кеча ўтказилди. Институт қошидаги адабиёт музейи Чехов ижодини акс эттирадиган китоб виставкаси ташкил қилди.

Бугун ёзувчи ижодига бағишланган илмий сессия бўлади. Унда «А. П. Чеховнинг ижодий йўли», «Чехов ва ўзбек адабиёти», «Чехов асарларининг ўзбек тилига таржимаси», «Чехов асарларининг Эронда тарқалиши», «Чехов асарлари Узоқ Шарқ мамлакатларида» деган темаларда докладлар тингланади.

Институт илмий ходимлари корхоналарга бориб, улуғ рус ёзувчисининг ижоди юзасидан лекция ва докладлар ўқидилар.

И. МИРЗАЕВ.

* * *

«Октябрь» номли Тошкент область кутубхонасининг ўқув залида сўз устасига бағишланган китоблар виставкаси ташкил қилинди.

Виставка икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда ёзувчининг рус ва ўзбек тилларида нашр этилган ҳикоя ва пьесалари бор. Иккинчи бўлимга эса ёзувчининг ижоди ва фаолиятига доир ёзилган турли авторларнинг илмий асарлари қўйилган.

М. МАҲМУДОВ.

ЭТЮД — АССАЛОМ!

I

Газетанинг шу саҳифаси учув Антон Павлович ижодининг ўзбек адибларига, шулар қатори менинг ижодимга таъсири ҳақида бирон нарса ёзиб бериш топширилганда, газетхонларим из ҳурмати, табаррук ёзувчимиз ҳурмати ва хотираси учун бажонидил хўп дедим-у, кейинчалик роса қийналдим. Ахир шу қадар буюк бир кишининг ижоди қай тариқа менинг ижодимга таъсир этганлиги ёки этиши ҳақида нима деолардим? У шундай ўлмас устод-ки, авлод-авлодлар оша шогирдлар етиштиради, етиштиравераді. Бироқ, бу шогирдларнинг бирортаси ўзининг ижодий камолотга етганлигини билиб, тўла хис этса ҳам-ки, устамнинг кўнгли тўладиган иш қилдим, у мендан рози бўлади, деб айтолмайди, ботинолмайди.

Антон Павлович Чехов ижодининг таъсири ҳақида чуқурроқ ўйлаб қарадим ва бу таъсирни ўлчайдиган тарозу тополмадим. Аксинча, ҳижолатда қолдим. Ахир лоақал Чехов асарларини ўқиб, тугатмаган эканман-ку, тағин қандай қилиб... Йўқ, унинг асарларини бир умр ўқиб, тугатолмас эканман. Такрор-такрор ўқийсан ва ҳар гал қўлга олганингда янгидек туйилган асарларни ўқиб, тугатиб бўлмайди, тўймайсан киши, очилган саҳифа ёпилмайди. А. П. Чехов асарларини миллионлар ўқиди ўқияпти, ўқийди, демак, китоб саҳифалари очилганича турибди, асрлар оша шундай туради, ёпилмайди.

Ана шу очиқ китобни ушлаганимча, хаёл мени Антон Павловичнинг уйига олиб кетди.

Ялта ёзи. Қуёш қиздирмаган жой топилмайди. Беғубор кўкка қуёш. Қора денгиз юзида қуёш. Денгиз тўлқинлари шошганидан оппоқ кўпириб кетар, чопа солиб ўзини қирғоққа урар, шу тариқа харсанг, майда тошларни ювавериб, силлиқ қилиб юборганди.

Бугун уч кундир-ки, Мария Павловна бетоб. Унча оғир бўлмаса ҳам-ки, уни безовта қилиш одобдан эмас деган андиша билан мўборак уйга кираман-у, ҳовлини айланиб чиқиб кетавераман. Ичкарига киришга ботинолмайман.

Ҳавонинг чарақлаб турганиданми, ҳар қалай Мария Павловна бугун ўзини анча тетик ҳис қилиб, ташқарига чиқди. Биз у билан коридорда учрашиб, кабинетида суҳбатлашдик.

Чиқиллаётган соат ўз қилгулигини қилган, албатта. Антон Павловичнинг чўнтагида ҳам, хонасида ҳам, кўчалаги симёғочда ҳам, менинг ёнимда ҳам, ҳозир, денгиз қирғоғида соябон тагида ўтирган хонимнинг билагида ҳам чиқиллайберган, чиқиллаб турибди, чиқиллайберади. На ойни, йилни билади, на одамни, ҳеч нимани фарқ қилмайди. Умр ўтаберади.

Мария Павловна оҳиста сўзларди, мен унга тикилиб турардим-у, соатни эслардим. Кейин унинг ажин босган юзларидан, кўз нуридан, ҳаракатларидан Антон Павловични излашга тушдим. Топдим ҳам. Энди унинг гаплари қулоққа кирмай, ўзимни Антон Павлович ҳузурида ўтиргандек ҳис қилдим. Мария Павловна жуда секин гапирарди, гўё қўшни хонада Антон Павлович дам олиб ётибди-ю, уни уйготиб юборишдан қўрқарди.

Гап навбати менга келди. Мен ҳам секин гапиришга тиришдим. Ўзбеклар Антон Павлович асарларини ўз она тилларида ўқияпилар деганимда ҳурсанд бўлиб кулди. Мария Павловна кейин кўшни хонадаги Антон Павловичга, эшитдингми Антон, демоқчи бўлгандай деворга қараб қўйди. Мария Павловнани чарчатиб қўймайин деб, секин кўзголдим эшиккача ундан кўз узмай чиқиб кетдим. Назаримда, Антон Павлович чиндан ҳам қўшни хонада дам олаётгандай бўлди, унинг ёнидан оёқ учида ўтдим.

Ҳурмо дарахти ёнига бордим. Бу дарахтни Антон Павлович ўз қўли билан эккан. Мана ҳозир унинг шохлари уйнинг иккинчи қаватидан ошиб кетибди. мевалари сийрак бўлса ҳам бўлиқ, барглар орасидан келинчакдек мўралаб турибди.

II.

...Ҳурмонинг баргига қўлимни узатганимни биламан. Ёнимда Антон Павловичнинг овозини эштитдим.

—Келинг, йигит.

— Ассалом, — дея дудуқландим, унинг салобати босди.

—Марҳамат, нима хизматингиз бор, тобингиз қочиб турибдими?—Антон Павлович дарров ҳаяжондан титраётган билагимни ушлаб, томирим уришини санай бошлади.

—Мен... Касал эмасман... Кечирасиз, Сиздек улуғ ёзувчини...

—Шошманг, шошманг, нима дедингиз? Улуғ ёзувчи? Ким айтди Сизга буни?

—Ўзим, бизнинг юртдагилар...

— Ўзингиз айтган бўлсангиз ҳам, биров айтган бўлса ҳам бу сўзни қўйинг...

—Ахир Сиз, асарларингиз... Биринчи ўринда турасиз-ку.

— Йўқ, Толстой тушундингизми, «замонамизнинг биринчи ўрнида турган ёзувчиси Лев Николаевич Толстой».

—Сизчи, Антон Павлович?—сўрадим уялиниқираб.

—Менми,—ўйланиб жавоб қилди Антон Павлович,—«менинг ўрним—тўқсон саккизинчи».

Кулиб юборай дедим-у, ўзимни зўрга босдим. «Мунча ҳам камсуқум одам-а» ўйлардим.

—«Ёзганларим ўзимга ёқмайди...—Оҳиста сўзлай бошлади Антон Павлович, — баъзилари бўлса.., бўлмагур гаплар... Асарларимни етти йил, борингки, ярлақаса етти ярим йил ўқишади, кейин унутиб юборишади...»

—Нима деяпсиз Антон Павлович,—деб юбордим ўзимни тутолмай,—биргина бизнинг Ўзбекистонда қанчадан-қанча китобхонларингиз бор... Сиз бўлмагур нарсалар деган асарларингиз бутун дунёни ҳайратда қолдиряпти-ку. Сиз учирган «Чайка» олам узра парвоз қилиб юрибди-я...

—Тағин кўкка кўтаряпсизми? Қўйинг, акс ҳолда ҳафа қиласиз мени. Улуғмас, ўртамиёна ёзувчи ҳам эмасман. Унутманг... Яхшиси Сиз, юртингиз, унинг кишиларидан сўзлаб беринг, ўзбек оғайним,—дея елкамга қўл ташлади Антон Павлович.

Кўз олдимда Скабичевский, Михайловский, Богданович сингари адабиётшуносларнинг ҳудбин башаралари гавдаланди. Улар ҳудди оқ халатга балчиқ сачратаётгандек бўлиб кўринди.

—Шу танқидчиларнинг адабини бериб қўйишса бўлмайдими, Антон Павлович—сўрадим ундан.

—Адабини бериш дейсизми... Ҳа, ҳа... «Танқидчилар далада ишлаётган отга ҳалакит берувчи ғўналарга ўхшайди. От жонворнинг бутун мушаклари дутор торидек таранг тортилган, қаттиқ ишлаб турган пайтда, сағрига сўна қўниб олади-да, ғашини келтириб, ғингиллаганг-ғингиллаган. Ҳикояларимга ёзилган танқидий мақолаларни йигирма беш йилдан буён ўқийман. Амма биронта қимматли насиҳатни эслолмайман, бирон бир дуруст маслаҳат эштганим йўқ. Фақат бир галгисида Скабичевский менда бир таассурот қоллирди: у шундай деб ёзибди: мен маст ҳолимда девор тагида ўлиб қолармишман...»

— Ахир бу туҳмат-ку, наҳот... — деб юбордим ғазабда.

Антон Павлович одатча пинагини бузмади. Мен қаттиқ ғазабланган ҳолда уйгониб кетдим. Кўлимдаги китоб очиқлигича кўксимда ётарди. Саҳифадаги аниқ суратда жонланиб кетди, ассалом деб юбордим.

Раҳмат ФАЙЗИЙ

БИР МУНОЗАРА ТАРИХИ

Революциядан аввалги Ўзбекистоннинг китобхонлар аҳли А. П. Чехов асарларини яхши билар эдилар. Унинг китоблари магазинларда сотилар, Туркистон ўлкасининг шаҳарларидаги халқ кутубхоналари ва хусусий кутубхоналарда сақланар эди. Масалан, Тошкент темир йўл станцияси ҳузуридаги устахоналар хизматчилари ва ишчилари кутубхонасининг ҳисоботига кўра, А. П. Чехов асарлари бу кутубхона ташкил қилинган дастлабки ярим йиллиқда 59 марта қўлга берилган. Лидин «Русский Туркестан» газетасида босилган ва ана шу кутубхонанинг ишига бағишланган мақоласида А. Писемский, Л. Толстой, М. Горький, А. Чехов асарларига бўлган талаб «Яхши китобга ўч бўлган ишчиларнинг идроки ҳаддан ташқари ўсиб кетганлигининг далилидир» деб ёзади.

А. П. Чеховнинг «Уч опа-сингил», «Ваня тоға», «Таклиф», «Иванов» деган пьесаларини Тошкентда, Самарқандда ва ўлканинг бошқа шаҳарларида гастролчи драма труппаларининг профессионал артистларигина эмас, ҳаваскорлар ҳам саҳнага қўйган эдилар. 1902 йилда Тошкент темир йўл устахоналарининг ҳаваскор артистлари «Таклиф» пьесасини саҳнага қўйдилар. Тошкентлик ҳаваскорлар «Ваня тоға» спектаклини, самарқандлик ҳаваскорлар эса 1905 йил май ойида «Иванов» пьесасини ўйнадилар.

1902 йил апрель ойида В. Янов труппаси «Уч опа-сингил» спектаклини қўйди. Шу муносабат билан «Русский Туркестан» газетасида кескин мунозара авж олиб кетди. Газета ходими Г. Р. «Театр ва музика» сарлавҳали тақризида драманинг мазмунига салбий баҳо бериб: «башарти, мен «зерикарли пьесалар» конкурсида бўлсам, жаноб Чеховнинг пьесаси биринчи мукофот олган бўлур эди», деб ёзди.

Бундай кишиларнинг турмушда пайдо бўлишини тақоза этган социал — ижтимоий сабабларни тақризчи очиқдан-очиқ пайқагиси келмайди. Г. Р. буюк ёзувчи Чехов реализмининг аҳамиятини ерга уришга интилади.

Баъзи-баъзида газетада адабий тақризлар эълон қилиб келган автор Меланхолик тахаллуси билан «Театр таассуротларидан» сарлавҳали катта мақоласида Чехов драмасининг ижтимоий аҳамиятини бузиб кўрсатишга уринган Г. Р. нинг фикрига қарши чиқади. Бу мақолада асар ижтимоий ҳаёт билан боғланган ҳолда илғор позицияларда туриб, таҳлил этилади. Автор характерларнинг чуқур ҳаётий ва типик эканлигига ижобий баҳо беради, драматургга замондош бўлган воқелик ҳақиқий тасвирланганлигини кўрсатади.

Буржуа танқидчилигининг А. П. Чехов асарлари ғоясиз, сиёсий жиҳатдан бефарқ асарлар деган сохта даъвоси мақолада рад этилади. Бунинг аксича, пьесанинг фош этувчилик пафоси таъкидлаб ўтилади.

Автор, пьесанинг ғоявий йўналишини дадил равишда озодлик кураши вазифалари билан боғлайди. Танқидчининг фикрича, А. П. Чехов «энг яқин мақсадни — жамоатчилик онгини уйготиш айрим кишиларнинг ухлаб қолган кучларини ҳаёт ва фаолият сари қўзғотишни назарда тутган».

Илгор интеллигенциянинг намояндаси сифатида мақола авторипьесанинг томошабинларга кўрсатган таъсири билан ғоят қизиқади. Танқидчи шу нарсани пайқаганки, спектакль вақтида залда ўтирган кишиларнинг кўпи пьесани тушунмаган ундан қониқмаган, чунки бу кишиларнинг театрга келишдан мақсади — ўзига замондош бўлган воқеликни унутиш эди. Томошабинларнинг иккинчи бир қисми Чехов пьесасини бошқача тарзда кутиб олган: уларнинг чеҳрасидан «саҳнага чиқиб, ўйнаётган артистларга далда бериш, уларга сон-саноқсиз шубҳалардан қутилиш йўлини кўрсатиб қўйиш иштиёқи равшан сезилиб турар эди». Прогрессив қайфиятдаги томошабинларда драманинг постановкаси зўр руҳий кўтаринкилик ҳосил этганлигини, уларда ҳаёт ва бахт-саодат иштиёқини зўрайтириб юборганлигини, ўз замонасидаги бемаъни воқеликка қарши курашиш истагини уйготганлигини танқидчи яққол кўрган. «Айрим кишиларнинг чеҳрасида,— деб ёзади автор,— бемаънилик олдида чекиниш — барибир шу бемаънликка хизмат қилишдир» деган ишонч, бемаъниликкни, у бошқа яхши ниҳолларни эзиб қўймаслиги учун бегона ўт каби илдизи билан юлиб ташлаш керак, деган ишонч акс этар эди».

Чехов пьесасини томошабинлар қандай кутиб олганлиги ҳақида мулоҳазалар ғоят қимматлидир.

Биз таҳлил қилаётган мақолаларга ҳамоҳанг бўлиб кетади. Пролетар ёзувчиси Чехов ижодининг ижтимоий-адабий аҳамияти ғоят катта эканлигига биринчи бўлиб юксак баҳо берган эди. Горький 1900 йил бошларида Чеховга ёзган хатида бундай деган эди: «Сиз... одамларда мана шу мудроқ, чала ўлик турмушга нафрат уйготиб, зўр иш қилмоқдасиз». М. Горький Чехов ижодига тўғри баҳо бериш учун қаттиқ кураш олиб бориш зарур, деб ҳисоблаган эди. Горькийнинг ўзи «Нижегородский листок»да эълон қилинган «Жарликда повести ҳақида» деган мақоласида Чехов учун курашни бошлаб берган эди. «Русский Туркестан» газетасидаги «Театр таассуротларидан» мақоласининг автори шу иши билан буржуа адабиётшуносларининг Чехов ижодига бўлган реакцион қарашларига қарши илғор рус жамоатчилиги олиб борган курашда актив қатнашди. Драма ўша давр учун энг муҳим бўлган — Чор Россияси шароитида инсоннинг эркин ривожланиши мумкинми? — деган саволни ўртага ташлаган мунозарага бир баҳона бўлди, холос. Мақола автори жамиятдаги прогрессив кишиларнинг фикрини ифодалаб, бу саволга қатъият билан «Йўқ!» деб жавоб берди.

Шундай қилиб А. П. Чехов ижоди биринчи рус революцияси арафасида Туркистон ўлкасида олиб борилган актив ғоявий курашда қатнашди.

М. КОНСТАНТИНОВА.

А. П. ЧЕХОВ АСАРЛАРИГА ИШЛАНГАН СУРАТЛАР

ХАЛҚ СУДЛАРИ ЯНГИЧА ИШЛАМОҚДА

КПСС XXI съездининг тарихий қарорлари, СССР Олий Совети 1959 йил декабрь ойида қабул қилган янги Қонун ва КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советининг «Жамоат тартибини сақлашда меҳнаткашларнинг иштироки тўғрисида»ги қарори муносабати билан суд, прокуратура ва милиция ходимлари олдига социалистик қонунга риоя қилиш ҳамда жиноятларни тугатиш учун курашни кучайтириш соҳасида янги, масъулиятли вазифалар қўйилди.

Мажбур қилиш социалистик давлат фаолиятининг ҳеч қачон асосий методи бўлмаган. Эндиликда мажбур қилиш доираси янада торяяди. Ишонтириш ва тарбиялаш, айрим ножўя ҳаракатлар қилган шахсларга жамоат таъсирини кўрсатишнинг хилма-хил формалари яна кенг қўлланилади. Асосий вазифа — социалистик турмуш қоидаларининг бузилишига ва жиноят кўринишларига қарши курашга жамоатчилик кучини тўғри уюштиришдан иборатдир.

Жамоат ташкилотлари, областдаги саноат корхоналари ва колхоз, совхозларнинг коллективлари жамоат қоидаларига хилоф иш қилувчиларга қарши кураш соҳасида бир қанча тажриба тўпладилар. Жамоат тартибини сақлаш бўйича халқ дружиналари, ўртоқлик судлари ташкил қилинди ва муваффақиятли ишламоқда. Суд ишларида жамоат қораловчиси ва ҳимоячиси сифатида жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқдалар. Бу тадбирлар яхши натижа бермоқда. Областда жиноят кўринишларининг камайганлиги бунинг яққол далилидир.

Партия ва ҳукумат амалга ошираётган мана шу тадбирлар муносабати билан суд ходимлари олдига янги, масъулиятли вазифалар қўйилди. Илгари судьялар ўз фаолиятларида жамоатчилик етарли даражада таянмас, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида хабар бериб турмас эди. Ваҳоланки, қонуннинг бузилишига нима сабаб бўлганини аниқлаш суд ходимларининг асосий вазифасидир.

Областдаги кўпгина халқ судлари янги вазифаларни тўғри тушуниб олдилар ва районлардаги жамоатчилик билан алоқани мустаҳкамладилар. Октябрь районидаги 2-участка халқ судьяси Муҳаммедов Сирдарё районидаги 1-участка халқ судьяси Нурмуҳаммедов ва бошқа ўртоқлар сайловчилар олдида мунтазам ҳисоб бериб турадилар, гражданларга совет қонунларини тушунтирадилар, ишларнинг кўпчилик қисмини жойларга бориб, жамоатчилик иштирокида кўрадилар. Бу судьяларнинг жамоат ташкилотлари билан доимий алоқаси жиноят кўринишларини камайтириш учун курашда самарали натижалар бермоқда.

Лекин, район жамоатчилиги билан етарли алоқа боғламаган, совет қонунларини тушунтириш юзасидан ижтимоий-ҳуқуқ ишлари олиб бормаётган, сайёр сессиялар ташкил қилмаётган, айрим жиноятларнинг сабабини аниқламаётган ва бу масалалар юзасидан совет ва партия ташкилотларига хабар бериб турмаётган халқ судьялари ҳам бор. Октябрь районидаги 1-участка халқ судьяси Шодмонов, Ленин район 4-участка халқ судьяси Тимакова, Бўстонлиқ район халқ судьяси Боборахимов, Бекобод шаҳар халқ судьяси Старосельская ўртоқлар шулар жумласидандир.

Айрим халқ судларининг жиноятнинг олдини олиш юзасидан қилаётган катта ишлари яхши натижа бермоқда. Масалан, Киров район 3-халқ суди территориясида хотин-қизлар ва эркаклар ётоқхонаси бор. Бу ётоқхонада илгари тартиб тез-тез бузилиб, жиноят кўринишлари содир бўлиб турар эди. Халқ судьяси ўртоқ Ахмеджонов бу ётоқхоналарга борибқ, жамоат қораловчилари иштирокида бир неча намунали суд процесслари ўтказганидан, қонунлар ҳақида оммабоп лекциялар ўқиганидан кейин аҳвол кескин ўзгарди ва бу ерда кўпдан бери жиноят кўринишлари содир бўлмай қолди.

Янги қонунда, жиноят қилган, лекин жамоат учун хавфсиз бўлган ва жиноятига иқрор бўлиб, ўзини астойдил тузатган шахслларнинг жиноий ишини жамоат ташкилотлари ёки меҳнаткашлар коллективининг тавсиясига кўра тўхтатиш ҳуқуқи берилган. Бундай шахслар масъулиятни ўз зиммасига олган жамоат ташкилотлари кафиллигига бериладилар. Масалан, Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз аъзоси Туроб Бердиқулов колхоз омборидан 300 килограмм помидор ўғирлаб қўлга тушди. Бу иш 2-участка халқ судига ҳавола қилингач, халқ судьяси ўртоқ Асомиддинов суд процессини бевосита колхозда ўтказди. Колхозчиларнинг умумий йиғилиши Бердиқуловнинг ножўя ҳаракатини муҳокама қилди ва унинг колхозда яхши ишлаганини, илгари бундай ишлар қилмаганини ҳисобга олиб, уни кафиллиққа олишга қарор қилди ва халқ судидан Бердиқуловнинг кафиллиққа берилишини сўради. Суд колхоз аъзолари тавсиясини эътиборга олиб, Бердиқуловни шартли жазолади ва уни коллектив тарбиясига топширди. Бердиқулов колхозчилар ишончини оқлади ва яхши ишлаб, ўзини кўрсатди.

Олмалиқ шаҳар 1-халқ суди 19 ёшлик Баранин деган бир ишчининг ишини кўрди. Бу ишчи бир кишининг велосипедини ўғирлашда айбланган эди. Баранин ўзи яхши ишчи, вазифасини астойдил бажаради. Бунинг устига, айбини тўла бўйнига олди. Баранин ишлаган энергоцех коллективи унинг ножўя ҳаракатларини муҳокама қилиб, уни қамаб юборишнинг ҳожати йўқ, деган хулосага келди. Халқ суди ишчилар коллективининг иллимосига биноан Баранинни коллектив тарбиясига берди.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим ташкилот ва муассасалар, касаба союз органларининг раҳбарлари янги қонуни тўғри тушунмасдан, баъзан оғир жиноят қилган кишиларни ҳимоя қилмоқдалар. Ваҳоланки, бундай жиноятчилар илгари ишда ўзларини кўрсатмаган бўлиб, уларнинг тез тузалиб кетишига ишонч кам бўлади. Бундай ҳолларда халқ судьялари айрим ташкилотларнинг хавфли жиноят қилган шахсларни кафиллиққа бериш ҳақидаги илтимосларини рад этиб тўғри иш қилмоқдалар.

Қуйи Чирчиқ район халқ суди шофер В. К. Человеков устидан ҳукм чиқарди. Человеков кўча ҳаракати қоидасини кўпол тарзда бузиб, гражданин Суптоновнинг ҳалок бўлишига сабабчи бўлган. Шофернинг қаттиқ жиноят қилганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Лекин у ишлайдиган корхона раҳбарлари область судига Человеков устидан чиқарилган ҳукмни юмшатиб, уни жамоатчилик тарбиясига берилишини илтимос қилдилар. Область суди жиноятнинг оғирлигини ҳисобга олиб, бу илтимосни рад этди.

Яна бир мисол. Октябрь районидаги 4-участка халқ суди Чивкуль деган кишининг ишини кўрди. У маст ҳолда гражданин Абдуллаевнинг қорнига пичоқ уриб, оғир ярадор қилган. Чивкуль кўрлар жамиятининг биринчи корхонасида бор-йўғи икки ой ишлаганига қарамай, корхона директори Яковлев, партия ташкилотининг секретари Нурмуҳамедов, касаба союз комитетининг раиси Яковлева ўртоқлар Чивкульни коллектив кафолатига топширишни илтимос қилдилар ва суд процессида қатнашиш учун жамоат ҳимоячиси юбордилар. Шуниси қизиқки, бу илтимоснома коллектив йиғилишида муҳокама қилинмаган. Суд илтимосномани рад этди ва жиноятчи Чивкулни беш йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Корхоналар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари янги қонун-жиноят қилган ҳамма кишиларни кечирадиган қонун эмаслигини тушунишлари зарур. Бундай илтимосномаларни ёзишдан аввал жиддий ўйлаш ва илтимосномани жамоатчиликнинг иштирокида ҳар томонлама муҳокама қилиш керак. Жамоат ташкилотлари бундай илтимосномани ёзиб, ўз зиммаларига катта масъулият олаётганликларини тушунишлари лозим. Бу масала устида жиддий фикр юритилмаган жойларда жамоатчилик тарбиясига ўтказилган жиноятчиларнинг тез тузалиб кетишига ишониб бўлмайди.

Шу жиҳатдан олганда, В. Мельников деган кишининг иши характерлидир. Оҳангарон ер ости газификация станциясининг ишчиси В. Мельников 1959 йил 13 июлда безорилик қилиб, бир гражданнинг танасига лат етказди. Бу иш кўрилаётганда ер ости газификация станциясининг коллективи прокурор Ўртоқ Хулойберганова мурожаат қилиб, Мельниковни қамоқдан озод этишни илтимос қилди. Мельников тергов тамом бўлмасдан озод қилинди. Лекин у ўша куннинг ўзидаёқ яна жиноят қилди. Иш халқ судида кўрила бошлагач, корхона жамоатчилигининг вакили илгари ёзган илтимосномадан воз кечишга ва Мельниковга қаттиқ жазо берилишини сўрашга мажбур бўлди. Мельников икки йилга ҳукм қилинди.

Жиноят кўринишларига қарши курашда жамоатчилик ролининг оширилиши хавфли жиноятларга қарши курашни сусайтиришни тақозо қилмайди, бинобарин, хавфли жиноятчиларни ҳимоя қилиш фактларига йўл қўйиб бўлмайди.

Қонунни бузувчиларга қарши курашда жамоатчилик ролининг оширилиши гражданлар кенг қатламининг совет қонунларини билишини тақозо этади. Демак, совет қонунларини тушунтириш соҳасидаги ишларни тўғри ташкил қилиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Судьяларнинг ўз қилаётган ишлари хакида аҳоли ўртасида ҳисоб бериб туриши ҳам катта тарбиявий аҳамиятга молликдир.

Область бўйича 1959 йилда судьялар сайловчилар олдида 529 ҳисобот доклади, ҳуқуқ темалари бўйича 459 лекция ўтказдилар, 440 дан ортиқроқ иш корхона ва муассасаларда кўрилди, 187 ишни кўришда жамоат қораловчиси ва ҳимоячиси қатнашди. Область судлари янги қонунни ўрганиш бўйича семинар машғулотлари ўтказиш йўли билан 222 ўртоқлик судига ва 75 халқ дружинасига ёрдам кўрсатди. Буларнинг ҳаммаси катта, муҳим ва масъулиятли ишнинг фақат бошланишидир. Суд органлари жамоатчиликнинг ёрдамига таянган ҳолда жиноятларнинг мутлақо бўлмаслигига эришуви зарур.

КПСС XXI съезди қарорларининг бажарилиши, янги қонуншуносликка оғишмай амал қилиниши мамлакатимизда социалистик тартибни мустаҳкамлашга жуда катта таъсир кўрсатади.

Ф. МУҲИТДИНОВ,
Тошкент область судининг раиси.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

Совет меҳмонлари Бомбайда

БОМБАЙ, 27 январь. (ТАСС). Бугун Бомбайга келган К. Е. Ворошилов, Ф. Р. Козлов, Е. А. Фурцева ва уларнинг ҳамроҳлари тушдан кейин «Сиринг миллз» деган йирик тўқимачилик фабрикасила бўлдилар. Фабриканинг эгаси Н. Н. Вадия меҳмонларни цехларни айланиб чиқишга ҳамда корхонанинг иши билан танишишга таклиф қилди. Ҳамма цехларда ишчилар совет меҳмонларини дўстона кутиб олдилар, қарсаклар чалинади, дўстона суҳбатлар бошланиб кетади. К. Е. Ворошилов ишчиларнинг турмуши билан қизиқади, уларга совет тўқимачиларидан салом топширади. Ф. Р. Козлов машина-ускуналар билан, машиналарнинг иш унуми билан қизиқади, ишлаб чиқаришдаги айрим процессларнинг механизациялаш даражаси ҳақида саволлар берди.

Станоклардан бири олдида Е. А. Фурцева тўқимачи Б. М. Раж билан суҳбатлашади. «Мен Сизни ҳам тўқимачи бўлгансиз, деб эшитдим, шу тўғрими?» деб сўрайди Раж. «Ҳа, тўғри, — деб жавоб беради Е. А. Фурцева, — мен тўқимачи бўлиб ишлаганман».

Е. А. Фурцева фабрикадан кета туриб, ишчилар билан хайрлашади ва бундай дейди: Дўстлар! Ворошилов, Козлов ўртоқлар ва ҳаммаларимиз шу фабриканинг ҳамма ишчиларига қизғин салом топширамиз.

Дўстлар, деб давом қилади Е. А. Фурцева, биз сизларга ишингизда ва шахсий ҳаётингизда муваффақиятлар тилаймиз. Бизлар ҳаммамиз, шу жумладан сизлар ҳам, урушнинг такрорланишини истаймиз, аммо ҳамма халқлар ўртасида мустаҳкам дўстлик ва барча мамлакатлар ўртасида яхши муносабатлар бўлган тақдирдагина урушлар бўлмайди.

Осиёдаги энг йирик медицина муассасаларидан бири ҳисобланган В. Хавкин номли институтда яна самимий учрашув бўлди. Институт директори Джхала К. Е. Ворошиловни, Ф. Р. Козловни, Е. А. Фурцевани ва уларнинг ҳамроҳларини кутубхонага таклиф қилиб, бу ерда уларга бундан 64 йил муқаддам Россиялик Владимир Хавкин томонидан асосланган шу муассасанинг вазифалари ва фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

К. Е. Ворошилов институтни кўздан кечириш имконияти берилганлиги учун директорга ва ходимларга ташаккур изҳор қилиб, институтнинг олижаноб фаолиятини СССРда биладилар, ватандошимизнинг номи берилганлигига жуда хурсандмиз.

Африка халқларининг 2- конференциясида

ТУНИС, 28 январь. (ТАСС). Кеча эрталабки мажлисда Жанубий Африка Иттифоқи, Гана, Тунис, Нигерия, Гвинея ва Жазоир делегатлари сўзга чиқдилар.

Гана вакили Кожо Ботсия, 1960 йил Африка халқларининг ўз мамлакатлари мустақиллиги ва озодлиги учун олиб борган курашини тамомлаш йили бўлади, деб таъкидлаб ўтди.

Ботсия айтдики, Африка халқлари ўз мамлакатларининг расмий мустақиллигини эмас, балки ҳақиқий мустақиллигини истайдилар. У делегатларни Африкадаги мустақил мамлакатларни мустамлакачиларга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлган қўғирчоқ мамлакатларга айлантиришга ҳаракат қилаётган империалистларнинг планларига қарши кураш олиб боришга чақирди.

Тунис делегати Чакер ўз сўзида таъкидлаб ўтдики, 200 миллион африкаликлардан вакил бўлган делегатлар тўпланган бу конференция Африка халқларининг кўзи очилганлигини ва бу халқлар халқаро майдонда тобора катта роль ўйнай бошлаганлигини яна бир марта кўрсатади.

Гвинея вакили Исмоил Туре Африка мамлакатларида касаба союз курашини мустақиллик учун сиёсий кураш билан қўшиб олиб боришнинг муҳимлиги тўғрисида гапирди.

Шундан кейин Жазоир вакили Буманель қисқа нутқ сўзлади. Жазоир халқининг француз империализмига қарши олиб бораётган кураш даврларини кўрсатиб, Буманель ўз халқининг галаба қилгунча кураш олиб боришга аҳд қилганлигини таъкидлади.

Шу билан эрталабки мажлис тугади.

СОВЕТ ТУРИСТИ ФОТОАППАРАТ БИЛАН САЕҲАТДА

ШАНХАЙ. Шаҳарнинг энг гўзал биноларидан бири — Хитой-Совет дўстлиги Саройи.

Р. Рустам фотоси.

ЖАЗОИРДА АҲВОЛ ЎЗГАРМАЁТИР

ФРАНЦИЯ ВАҲИМАДА

ПАРИЖ, 27 январь. ТАСС мухбири В. Сисоева хабар беради: Жазоирда давом этаётган исён Франциянинг аҳволини ўзгартириб юборди. Жазоир хабарларига қараганда, армия қўмондонлиги исённи тугатиш учун ҳозиргача қатъий чоралар кўрмаган. Парижда расмий биноларни қўриқлашни кучайтириш учун полиция тадбирлари амалга оширилди. Президент ва бош министр резиденциясида кенгашлар ва музокаралар узлуксиз давом этмоқда.

Парижда энг ўнг унсурларнинг қуруқлари тайёрланаётганлиги тўғрисида ваҳимали овозалар тарқалмоқда. Бу унсурлар ҳокимиятни қўлга олиш ёки ҳар ҳолда ҳукуматга таъйиқ кўрсатиш ва уни мустамлакачиларга ён беришга мажбур қилмоқ учун вужудга келган аҳволдан фойдаланишга уруниб кўришлари мумкин.

Исёнчи мустамлакачи унсурлар билан маҳкам боғланган депутатлар ва сенаторларнинг кеча Жазоирдан келган бир группаси кечқурун Миллат мажлиси биносида матбуот конференцияси ўтказди.

Депутат Лориоль ҳақиқатда ҳукуматга ультиматум тарзида сурбетларча баёнот берди. У Жазоирдаги исённи «миллий революция» деб баҳолади ҳамда ҳозирги аҳвол «ёмон оқибатларга сабаб бўлиши мумкин», деди.

Лориоль, «ҳар қандай аҳвол рўй берганда ҳам Жазоир Франция республикасининг бир қисми бўлиб қолади» деб айтишни ҳукуматдан талаб қилди.

ИСЁН БОСТИРИЛСИН!

ПАРИЖ, 27 январь. (ТАСС). Француз халқи Жазоирда учига чиққан мустамлакачилар исёнини бостириш мақсадида қатъий тадбирлар кўришни ҳукуматдан талаб қилмоқда.

Мамлакатдаги турли жамоат ва касаба союз ташкилотларининг баёнотларида, республика президенти номига ёзилган жуда кўп мактуб ва хатларда шундай талаб илгари сурилмоқда. Автомобиль заводларининг Умумий меҳнат конфедерациясига, француз христиан меҳнаткашлари конфедерациясига ва «Форс уврие»га кирган касаба союз ташкилотлари президент де Голлга мактуб юбордилар.

Франция қизлар союзи, студентларнинг коммунистик союзи, собиқ фронтчилар ва уруш қурбонлари уюшмаси ҳамда бошқа бир қанча оммавий ташкилотлар кутуриб кетган исёнчиларнинг жиноий ҳаракатларини қораладилар ва Жазоирда тинчлик ўрнатилсин, деб талаб қилдилар.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИГА ЭСДАЛИК ХАТИ

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико 27 январда Японияннинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси С. Кадовакини қабул қилиб, унга Совет ҳукуматининг Япония ҳукуматига эсдалик хатини топширди.

Эсдалик хатида дейиладики, Япония 19 январда АҚШ билан «ўзаро ҳамкорлик ва хавфсизлик тўғрисида шартнома» деб аталган шартномани имзолаб, ўзининг суверен давлат сифатидаги ҳуқуқларидан анча қисмини чет давлатга ўз қўли билан топшириб, ўзининг миллий мустақиллигини йўқотмоқда. Япония кенг ремилитаризация йўлига ошкора тушиб олмоқда. Японияннинг ташқи сиёсати ҳарбийлаштириш ҳамда Узоқ Шарқдаги тинчликни сақлашга қарши қаратилган ҳарбий иттифоқларда тўғридан-тўғри қатнашиш томонига тобора яққол оғмоқда. Японияннинг янги ҳарбий шартнома тузганлиги Япония янги урушга тортилган тақдирда бунинг натижасида муқаррар рўй берадиган ҳалокат хавфини кучайтиради.

Эсдалик хатида кўрсатиб ўтиладики, Совет ҳукумати Японияннинг тинч, мустақил ривожланиши учун шарт-шароит таъминлашга қаратилган кадамларини тўла равишда қувватлашга ҳамиша тайёрдир. Совет Иттифоқи Японияннинг бетарафлигини таъминлайдиган зарур гарантияларни бошқа давлатлар билан бирликда беришга ҳали ҳам тайёр. Маълумки, СССР ҳукумати СССР, Хитой Халқ Республикаси ва Япония ўртасида тинчлик ва дўстлик шартномаси тузиш кераклигини айтган эди ва бу шартномада АҚШнинг ҳамда бошқа Тинч океан давлатларининг қатнашувига рози бўлган эди. Совет ҳукумати Совет Иттифоқи Япония билан чинакам яхши қўшничилик муносабатларини йўлга қўйишга, совет ва япон халқларининг манфаатлари йўлида Япония билан СССРнинг бирбирига яқинлашувига ёрдам берадиган ўзаро манфаатли савдо, маданий ва бошқа алоқаларни кенгайтиришга интилаётганлигини неча марталаб уқтириб ўтган эди.

Эсдалик хатида айтилдики, Япония-Америка шартномаси Японияни ҳақиқатда мустақилликдан маҳрум қилиб қўяётганлиги ва чет давлат қўшинларининг Япония территориясида туриши давом этаётганлиги сабабли Совет ҳукуматининг Хабомаи ва Сикотан ороллари Японияга топшириш тўғрисидаги ваъдасини рўёбга чиқариш мумкин эмас.

Совет ҳукумати шуни айтишни зарур деб ҳисоблайдики, барча чет эл қўшинлари Япония территориясидан олиб чиқиб кетилиб, СССР билан Япония ўртасида сулҳ шартномаси имзоланган тақдирдагина Хабомаи ва Сикотан ороллари, СССР билан Японияннинг 1956 йил 19 октябрдаги қўшма декларациясида кўзда тутилганидек, Японияга топширилади.

Япония элчиси С. Кадоваки бу эсдалик хатининг текстини ўз ҳукуматига дарҳол топшираман, деди. ((ТАСС).

Правда Востока

Газета бош мақоласи область партия конференцияларига бағишланган. Иккинчи бетда Андижон ва Самарқанд областларида бўлиб ўтган партия конференциялари ҳақида материал босилган.

Учинчи бет улуғ рус ёзувчиси А. П. Чеховга бағишланган.

Тўртинчи бетдан маҳаллий ва чет эл хабарлари ўрин олган.

Ўзбекистон сурх

Газета бош мақоласи аҳолига медицина хизматини яхшилаш масалаларига бағишланган.

Иккинчи бетда Бухоро районидаги «Правда» колхозининг раиси А. Носировнинг мақоласи ва маҳаллий Советларнинг иши ҳақидаги материал берилган.

Учинчи бет А. П. Чеховга бағишланган.

Тўртинчи бетдан Ф. Федоровнинг «Мустамлакачиларнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги кирдикорлари» сарлавҳали мақоласи ўрин олган.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

19.30—халқаро масалалар бўйича рус тилида обзор. 19.45—ўзбек тилида «Турли касб эгалари» деган эшиттириш. 20.05—сўнгги ахборот. 20.25—Чарли Чаплин иштирок этган фильмлар. 21.15—А. П. Чехов туғилган кунга 100 йил тўлиши муносабати билан ўзбек тилида адабий эшиттириш. Реклама ва эълонлар.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ХИТОЙ ФОТОСУРАТЛАРИ ВИСТАВКАСИ

Тошкентда, Темир йўлчилар маданият саройида «Хитой Халқ Республикасида» темасида фотосуратлар виставкаси очилди. Бу виставкани Совет-Хитой дўстлиги жамиятининг Ўзбекистон бўлими ташкил қилди. Бу ерда Хитой фотосанъати усталарининг бир юз эллиқдан ортиқ суратлари кўйилган.

Совет ва Хитой халқларининг буюк дўстлиги тўғрисидаги, Хитойнинг оғир саноатини юксалтиришда СССРнинг бераётган ёрдами ҳақидаги суратлар аъзиборни ўзига жалб этади. Бу ерга келувчилар хитой меҳнаткашларининг қишлоқ хўжалигини, фанни, маорифни, медицинани ривожлантиришда эришган муваффақиятларини акс эттирувчи фотосуратларни зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

Таассуротлар дафтарига қилинган кўпгина ёзувларда, Узбекистон пойтахти меҳнаткашлари халқ Хитойида социализм қурилишининг тез суръатлар билан олиб бораётганлигидан гоят кувонаётганликларини ва қойил қолаётганликларини изҳор этмоқдалар. (ЎзТАГ).

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ТЕРИМЧИЛИКДАН—МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛИККА!

«КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорини бажарамиз». «Теримчи хотин-қизлар: пахтани қўлда эмас, машинада терамиз».

Бу чақириқ ва қайноқ сўзлар **«Тошкент ҳақиқати»** газетасининг аввал кунги сонида ёзилган.

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил пахта ҳосилини янада ошириш, шу билан бирга, колхоз ва совхозларда 140 минг тонна пахтани машинада териб олиш учун ғайрат камарини белга маҳкам боғладилар. Шу мақсадда жойларда очилган тракторчилик курсларида жуда кўп ёшлар таълим олмоқда. Турсуной Охунова изидан бораётган хотин-қизлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

Область газетасининг мана шу масалага бағишланган саҳифасида механик-ҳайдовчи бўлишга отланган, Турсуной каби ишлашга енг шимарган кўпгина қиз-жувонларнинг мақолалари ёритилган, уларнинг фотосуратлари босиб чиқарилган.

Янгиер шаҳридаги «Фарҳод» совхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ Х. Тўраева бултур Турсуной Охунова чақириғини қабул қилиб, СХМ-48 машинасида 100 тонна пахта теришга ваъда қилди ва сўзининг устидан чиқди.

«Мен бу йил Турсуной изидан бориб, — деб ёзади у.— **комплекс механизациялаштирилган бригадага бошчилик қилиш, кам меҳнат сарф қилиб, арзон баҳода мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилдим. Совхоз дирекцияси бизнинг ихтиёримизга 60 гектар ер ажратиб берди... Ҳар гектар ердан 13 ўрнига 25 центнердан ҳосил топширамиз деган ниятимиз бор. Лекин бу ҳам чегара эмас. Биз имконият борича мўл ҳосил етиштириш учун курашда берамиз... Бу йил кам деганда 250 тонна пахта теришга аҳд қилдим. Шу мақсадда Турсунойни мусобақага чақираман».**

Ўрта Чирчиқ районидаги Қуйбишев номли колхоз аъзоси ўртоқ Назира Йўлдошева ўзининг дугонаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг декабрь Пленумида қатнашишга муяссар бўлганлигидан ва унда нутқ сўзлаганлигидан шавқ-завқи ошиб кетганини изҳор этади.

«Турсунойнинг чақириғи ҳаёлларимни ҳақиқатга айлантирди, — дейди у мақолада. — **Ўзимда аллақандай куч-шижоат ҳис қилдим. Ҳозир кўп йиллик тажрибага эга бўлган илғор механизаторлар ёрдамида трактор ҳайдашни ўрганмоқдаман».**

Шу райондаги Сталин номли колхоз аъзоси Умри Ҳасанова область колхозлари РТСлари ва совхозлари механизаторларининг кенгашида сўзга чиқиб, бу йил машинада 200 тонна пахта теришни, шу муносабат билан дугонаси Назира Йўлдошевани мусобақага чақиришни айтган эди. Йўлдошева бу чақириқни бажони-дил қабул қилди ва машинада 230 тоннага етказиб пахта териб беришини билдирди.

Дугоналарнинг овози ҳамоҳанг, уларнинг ҳаммаси пахтани қўлда эмас, машинада теришга ундаяпти.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/I да **Оқпадар**, 30/I да **Тоғажиянлар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/I да **Ватан ишқи**, 30/I да **Равшан ва Зулхумор**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Пахта байрамига бағишланган парад-пролог. **«Айиқлар цирки»** гастролининг давоми.

КИНО

Дардисар — «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минут, 11-40 минут, кундуз 1 ва 2-20 минутда). «ИСКРА» (3-залда кеч соат 5 гача ва кеч 10 яримда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 1 ярим, кеч 5 ва 8 яримда).

Уттиз тўқиизинчи бригада — СОВИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқуруғ). НАВОИЙ номли (эрталаб 10, 11-40 минут, кундуз 1 ярим, кеч 5 ва 8-40 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кеч соат 10 яримда). «СПУТНИК» (1-залда кундуз ва кечқуруғ).

Келин-куёв қиссаси — «ВАТАН» (кеч соат 5 ва 8-20 минутда), «ИСКРА» (1 ва 2-залда кеч соат 5 гача, кеч 5 дан ҳамма залда). «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 1-20 минут, 3, кеч 6-40 минут ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (11-45 минут ва кеч 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 1, кеч 5, 7 ва 10 да), «СПУТНИК» (2-залда кундуз ва кечқуруғ).

Бирга бўлганингдагина — НАВОИЙ номли (кундуз соат 3-20 минут ва кеч 6-50 минутда), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8-50 минут ва 10 яримда).

Борис — «ВАТАН» (кеч соат 6-40 минутда).

Разведчининг жасорати — НАВОИЙ номли (кеч соат 10.20 минутда).

Аршин мололон — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 февралгача

Озарбайжон давлат эстрада оркестрининг ГАСТРОЛЛАРИ

Вадиий раҳбари — композитор **Рауф Гажиев.**

Қатнашувчи солистлар: **Гавриил Нажаров** ва **Михаил Шаров** (юмор, сатира конферанс). **Алексей Виницкий** (совет ва чет эл қўшиқлари), **Евгения Дэвис** (лирик ва жанр қўшиқлари). **Михаил Виницкий** (жанр ва тироль қўшиқлари). **Октай Огаев** (эстрада қўшиқлари). **Ноила Назирова, Камол Дадашев, Рафи Асадуллаев, Али Зайналов** (халқ ва классик рақслари) ва бошқалар.

Кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

29, 30, 31 январда

Ўзбекистон эстрада санъати усталарининг концертлари

Концертда: Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқов.** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Муҳаммаджон Мирзаев** ва **Рушель Мордухаев**, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Равшангул Илохунова**, солистлардан **Жуманазар Бекжонов, Фахриддин Умаров, Тўхта Рисметова, Нина Гайер, Назрулла Ёқубов, Ҳалил Абдуллаев, Зумрат Ҳожиева, Холисхон Узоқова, Шермат Холмуҳамедов** ва Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

Киноустановкалар прокати Ўзбекистон конторасининг экспедиция

А. П. Чехов туғилган кунинг 100 йиллигига бағишлаб

ЧЕХОВ

НОМЛИ ЯНГИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ.

Горький номли Бадиий академик театр артистлари ижросида спектакллардан кўринишлар.

Сценарий автори ва режиссёр — **С. Бубрик.**

Фильмда Давлат адабиёт музейи ва Давлат фильмфонди материалларидан фойдаланилган.

Фильмни Қизил Байроқ орденли ҳужжатли фильмлар Марказий студияси (Москва) 1959 йилда ишлаган.

Тошкент шаҳар ижроия комитети Саноат бошқармасининг **КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИГА**

иситиш, вентиляция, сув таъминоти ва канализацияга доир проект тузувчи инженерлар

керак

Мурожаат учун адрес: Инженер кўчаси, 7-уй.

«УЗГИПРОВОДХОЗ»ГА

проект ишлари учун: **электрик инженерлар, алоқа инженери ва техниги**

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Полиграф кўчаси, 1-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

«Узсовет снаб» республика конторасининг коллективи Тўйтепа ветеринария дорихонасининг бошқарувчиси **Али Назаровича РАСУЛОВНИНГ** бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар, К. Цеткин кўчаси, 70-уйда турувчи **Юлия Алексеевна Перованинг** Евгений Николаевич Овсянниковдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район, 2-участка халқ судида кўрилади.

ТОШКЕНТ РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

меҳнат ва иш ҳақи инженери *керак*

Адрес: Тошкент-44, Венгерская кўчаси, 29-уй. Телефон — 50-906, 50-921, 50-943.

Уйғур кўчаси, Труд тупик, 8-уйда турувчи **Убайдулла Ғайбуллаевич Абдуллаевнинг** шу уйда турувчи Раъно Искадаровна Қулмуҳамедовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: партия турмуши ва маҳаллий матбуот — 27604. Пропаганда ва чет эл ҳаёти — 31226, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34453, Саноат — 34524, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34780, Оммавий ишлар ва хатлар — 39005, Секретариат — 33469, 32347. Эълонлар — 28142, Коммутатор — 36334, 33262.

Р 02541. «Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А — № 24.